

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УКД 727.6

«Ҳимояга тавсия этилади»
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит
кафедраси мудири, и.ф.д., проф.
Уразов К.Б. _____
« ____ » _____ 2012 йил

БАХРИЕВА РАЪНО

**НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ
КОРХОНАЛАРДА ТОВАР ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ
АУДИТИ**

(Хорижий ва миллий аудиторлик ташкилотлари мисолида)

**5А340902 - "АУДИТ" мутахассислиги бўйича магистр академик
даражасини олиш учун ёзилган**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. К.Б. Уразов

САМАРҚАНД - 2012

Мундарижа

Кириш

- 1.Боб. Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операциялари ҳисоби ва аудитининг назарий асослари
 - 1.1. Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операцияларининг ҳисоб ва аудит объекти сифатидаги моҳияти, таснифи ва тавсифи
 - 1.2.Товар операциялари ҳисоби ва аудитининг мақсади, вазифалари ва ахборот таъминоти
 - 1.3.Товар операциялари аудитининг режаси, дастури ва умумий модели
 - 2.Боб. Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операцияларининг ҳисоби ва аудити
 - 2.1. Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда омбор хўжалиги ва моддий жавобгарликни ташкил қилишни текшириш
 - 2.2. Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товарлар ҳаракатининг ҳисоби ва аудити
 - 2.3. Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операцияларининг инвентаризация масалалари
 - 3.Боб. Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операциялари аудитини такомиллаштириш
 - 3.1.Товар операцияларини текшириш бўйича аудиторлик rischi ва уни пасайтириш йўллари
 - 3.2. Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операциялари аудитини такомиллаштириш
 - 4.Боб. “Мароқанд нефт база” унитар корхонасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг ташкил этиш асослари
 - 4.1 “ Мароқанд нефт база ” унитар корхонасида бахтсиз ҳодисаларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш
 - 4.2 “ Мароқанд нефт база ” унитар корхонасида тез ёнувчи моддаларни сақлаш қоидалари
- Хулоса ва таклифлар
Фойдаланилган адабиётлар руйхати
Иловалар

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги . Сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурини бажариш жараёнида республика, вилоят ва вилоятлараро ихтисослаштирилган улгуржи-савдо базаларини ташкил этиш бўйича амалий тадбирлар амалга оширилди, уларнинг фаолияти ва хомашё таъминоти йўлга қўйилди. Республика ихтисослаштирилган улгуржи-савдо база-конторасига минтақавий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базаларни шаклантиришда ва уларга юклатилган вазифаларни бажаришда ёрдам кўрсатилди¹.

Ушбу минтақавий базалар таркибига биричи навбатда қишлоқ жойларида нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи унитар корхоналар ва уларнинг шохобчалари киради.

2006 йилда қишлоқ жойларида ёқилғи мойлаш маҳсулотларини сотиш шохобчалари 1110 та бўлса, 2012 йилга келиб улар сонининг 1366 тага етнагинини мисол қилиб келтириш мумкин.

Буларнинг фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун ҳисоб юритиш керак.

Иккинчи томондан нефт ва нефт маҳсулотлари тақчил бўлганлиги сабабли улар устидан доимий назорат олиб бориш талаб этилади.

Шундан келиб чиқиб, нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операцияларининг ҳисоби ва аудити доимо долзарб бўлиб келмоқда. Бу эса ушбу мавзуни танлашимизга асос бўлди.

Муаммонинг илмий ишлаб чиқилиши даражаси.

Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операцияларининг ҳисоби ва аудитининг назарий асослари хориж олимларидан , Х.Андерсон, К.Друри, Б.Нидлз, Д.Колдуэл, Р. Додж, Е.А.Аренс, В.Галий, Р.Вандер Вил, Р.Энтониларнинг илмий ишларида кенг ўрин олган. Ушбу мавзунинг масалаларини ёритишда ҳамдўстлик мамлакатларининг иқтисодчи олимларидан Т.П.Карпова,

¹Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичда кўтарадиган йил бўлади.Т.: "O'zbekiston"НМИУ, 2012 йил-50 бет

З.В.Кирьянова, Т.Шышквалар муносиб ҳисса қўшганлар. Республикамиз иқтисодчи олимларидан Дўстмуродов Р, И.Т.Абдукаримов, М.М.Тўлаходжаева, А.С.Сотволдиев, Б.А.Ҳасанов, И.А. Завалишина М.К.Пардаев, К.Б.Ўразов, Д.Р.Рофеев, Ҳ.Н.Мусаев, А. Абдуллаев, О.Абдуваҳобов, У.Қ.Қаюмов, Р.Р. Ражабов, М.Х.Ҳамидов ва бошқа олимлар ва амалиётчиларнинг илмий ишларида товар операциялари ҳисоби ва таҳлили ҳамда аудити масалалари тадқиқ қилинган, лекин уларда нефт маҳсулотларининг савдосига бағишланган махсус адабиёт етарли эмас.

Иқтисодий адабиётларда мазкур муаммо билан боғлиқ масалаларга турли ёндашувларнинг мавжудлиги танланган мавзунинг мунозаралигидан далолат беради.

Тадқиқот объекти. “ Мароқанд нефт база ” унитар корхонасининг молиявий - хўжалик фаолияти тадқиқот объекти қилиб олинди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операциялари аудитини такомиллаштиришга қаратилган илмий амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Илмий ишнинг мақсадига мувофиқ қуйидаги вазифалар белгиланди:

-товар операцияларнинг аудит объекти сифатидаги моҳияти, таснифи ва тавсифи ўрганиш;

-нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операциялари аудитининг мақсади, вазифалари ва ахборот таъминотини ўрганиш;

-нефт маҳсулотлари бўйича моддий жавобгарлик ва омбор ҳисобини ташкил қилиш;

-нефт маҳсулотлари кирими ва чиқиминининг ҳужжатлаштирилиши ва аудитини ўрганиш;

-нефт маҳсулотларининг инвентаризация масалаларини ўрганиш;

-товар операцияларини текшириш бўйича аудиторлик rischi ва уни пасайтириш йўллари ишлаб чиқиш;

-нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операцияларининг аудитини такомиллаштириш.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқотнинг нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операцияларининг ҳисоби ва аудити юзасидан аниқ тавсияларнинг ишлаб чиқилиши “Мароқанд нефт база” унитар корхонаси ва унинг филиаллари томонидан амалда қўлланилиши мумкин.

Булардан ташқари ушбу тавсиялар республикамизнинг боқа нефт базалари фаолиятида ҳам қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилиши. Мавзуга доир мақолалар “Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил, аудит ва иқтисодиётнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика анъанавий илмий-амалий конференция материаллари СамИСИ, (1-қисм, 2011йил 15-16 июн), “Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни ривожлаштиришнинг долзарб муаммолари ” Республика анъанавий илмий-амалий конференция материаллари СамИСИ, (3-қисм, 2012 йил 17 феврал)да чоп этилган.

Ишнинг таркиби кириш, 4 та боб , хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Ишнинг кириш қисмида тадқиқот иши мавзусининг долзарблиги, муаммонинг илмий ишлаб чиқилиш даражаси, илмий ишнинг оъекти ,тадқиқот ишининг мақсади, вазифалари , ишнинг амалий аҳамияти, тадқиқот ишининг чоп этилиши ва тадқиқот ишининг таркибий тузилиши ҳақида ёзилган.

Тадқиқот ишининг биринчи бобида нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операциялари ҳисоби ва аудитининг назарий асослари ёритилган.

Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операцияларининг ҳисоби ва аудити иккинчи бобда очиб берилган.

Учинчи боб нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операциялари аудити ва уни такомиллаштиришга қаратилган.

Тадқиқот ишининг тўртинчи бобида “Мароқанд нефт база” унитар корхонасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг ташкил этиш асослари ёритилган .

Хулоса ва таклифлар қисмида илмий иш бўйича хулосалар берилган ва бир қанча таклифлар кўрсатилган.

Ушбу мавзуга оид маълумотлар фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган манбаълардан олинди ҳамда ишнинг сўнгги илова қисмида “Мароқанд нефт база” унитар корхонасининг амалий маълумотлари келтирилган.

1.Боб. Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операциялари ҳисоби ва аудитининг назарий асослари

1.1. Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операцияларининг ҳисоб ва аудит объекти сифатидаги моҳияти, таснифи ва тавсифи

Бизга маълумки , савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар фаолиятида товарлар ососий ўринни эгаллайди. Товарлар бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС) 4-сонга асосан товар- моддий захиралар (ТМЗ) нинг таркибий қисми ҳисобланади.

ТМЗ- бу хўжалик юритувчи субъекларнинг қуйидаги активларидир:

-ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида ишлатилиши кўзда тутилган хом ашё, материаллар сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар , ёқилғилар , эҳтиёт қисмлар, бошқа материаллар;

-тугалланмаган ишлаб чиқариш ,ишларни бажариш , хизматларни кўрсатиш;

-хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятида сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулот ва товарлар .

Товар – моддий захиралардан фойдаланиш ва йўналиш бўйича улар асосан қуйидаги гуруҳларга бўлинади :

-товарлар , сотиладиган хом ашё ва материаллар ,тайёр маҳсулотлар , ортиқча хом ашё ва материаллар;

-хом ашёлар- рудалар, пахта, калава, ип, чуян, нефт ва ҳоказо;

-асосий материаллар- ёғоч ,темир, калава ва бошқалар ;

-сотиб олинган ярим фабрикатлар – моторлар , қисмлар, буюқлар ва ҳоказолар;

-чиқиндилар – қириндилар , латталар , урвоқлар ва бошқалар ;

-идишлар – картон , ёғоч , пластмасса, ва метал идишлар

- ёқилғилар – қаттиқ – ёғоч , кўмир , суюқ – газ, мазут

ёқилғилари;

-эҳтиёт қисмлар- машина ва ускуналарнинг айрим буюмлари;

-арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар –қисқич, курак, омбир ва бошқа жиҳозлар.

Товар –моддий захиралари асосан сотиш учун олинган ва ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган активлардан ташкил топган бўлиб, улар субъектнинг фаолиятида асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Товар –моддий захираларнинг таркибий қисми бўлган товарлар БХМС 21- сонга мувофиқ қуйидаги счётларда юритилади :

2910 «Омбордаги товарлар»- ушбу счёт, асосан, улгуржи савдо ва овқатланиш корхоналарида товарларнинг сақланиш жойларидаги (омборлардаги) ҳолати ва ҳаракатини акс эттиришга мўлжалланган.

2920 «Чакана савдодаги товарлар»-ушбу счёт чакана савдо ва овқатланиш корхоналарида (магазинлар, киоскалар, буфет ва бошқа шохобчалардаги) товарларнинг ҳолати ва ҳаракатини акс эттиришга мўлжалланган.

2930 «Кўргазмадаги товарлар»- ушбу счёт улгуржи, чакана ва овқатланиш корхоналарини реклама қилиш мақсадида кўргазмалар ва ярмаркаларга қўйилган товарларнинг ҳолати ва ҳаракатини акс эттиришга мўлжалланган.

2940 «Ижарадаги буюмлар»-ушбу счёт махсус шохобчалар орқали тўлов асосида вақтинча фойдаланишга қўйилган буюмларнинг ҳолати ва ҳаракатини акс эттиришга мўлжалланган.

2950 «Товар ости идишлари ва бўш идишлар»-ушбу счёт товар билан бирга бўлган ва бўш турган идишларнинг ҳолати ва ҳаракатини акс эттиришга мўлжалланган.

2960 «Комиссия қилиш учун берилган товарлар»- бу счёт махсус шохобчаларда комиссия тартибда сотишга берилган товарларнинг ҳолати ва ҳаракатини акс эттиришга мўлжалланган.

2970 «Йўлдаги товарлар»-бу счёт пули тўланган ва таъминотчидан жўнатилган , лекин корхонага ҳали келиб тушмаган товарларни акс эттиришга мўлжалланган.

2980 «Савдо устамаси»- бу счёт савдо ва овқатланиш корхоналарида товарларга кўйилган савдо устамаларининг ҳолати ва ҳаракатини акс эттиришга мўлжалланган.

2990 «Бошқа товарлар»-бу счёт юқорида номлари зикр этилган счётларда акс эттирилмаган турли бошқа товарларни , масалан , консигнацияга берилган товарларни , ҳисобга олиш учун мулжалланган.

Юқорида келтирилган 2980 «Савдо устамаси » счётидан ташқари барча бошқа счётлар актив, доимий счётлар ҳисобланади, уларнинг дебитида товарларнинг қолдиғи ва кўпайиши , кредитида эса камайиши акс эттирилади . 2980 «Савдо устамаси» счёти контраktiv счёт бўлиб, унинг кредитида қолдиқ товарларга тўғри келадиган савдо устамаларининг суммаси ва уларнинг кўпайиши , дебитида эса савдо устамаларининг камайиши акс эттирилади. Савдо устамаларининг суммасини товарларнинг сотилиши ва бошқа чиқимлари натижасида камайиши ушбу счётнинг кредитида «қизил ёзув» билан ҳам акс эттирилиши мумкин.

Товар –бу корхонанинг сотиш учун сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган моддий активлари тушунилади. Бу турдаги активларнинг характерли хусусиятларига кўйидагиларни киритиш мумкин:

-улар истеъмол қийматига эга бўлади , яъни одамларнинг истеъмол талабларини қондиради ;

-улар қийматга эга бўлади , яъни пулда ифодаланган баҳога эга бўлади;

-айланма активлар (жорий активлар) бўлиб ҳисобланади, яъни маълум бир цикл давомида уларнинг захиралари янгиланиб турилади;

- пулга ва бошқа активларга алмаштирилади;

-инвестиция воситаси сифатида қўлланилади;

-ижарага бериш объекти ҳисобланмайди.

Бухгалтерия ҳисобида товарлар турган жойига , эгалик қилиш ҳуқуқига , турларига , баҳосига ва бошқа белгиларига қараб акс эттирилади (1-чизма).

Турган жойига қараб товарларни омбордаги , чакана

савдо шахобчаларидаги , кўргазмадаги , комиссиядаги, консигнаторлардаги, йўлдаги ва бошқа товарларга бўлиш мумкин.

Эгалик қилиш ҳуқуқига кўра товарларни хусусий товарлар, консигнацион товарлар, комиссия товарларга ажратиш мумкин.

«Мароқанд нефт база» унитар корхонасида ҳам товарлар бир неча хусусиятларига кўра таснифланади (2-чизма)

Турган жойига қараб «Мароқанд нефт база» унитар корхонасида товарлар омбордаги нефт маҳсулотлари, йўлдаги нефт маҳсулотлари, ФЁТШ(Фермерларга ёқилғи тарқатиш шохобчаси) даги нефт маҳсулотларига бўлинади.

Эгалик қилиш ҳуқуқига кўра , корхонага тегишли нефт маҳсулотлари ва филиаллардаги нефт маҳсулотларига бўлинади.

Товарларни сотишни асосан икки усули кенг қўлланилади.

1.Улгуржи сотиш

2. Чакана сотиш

Улгуржи сотиш-бу товарларнинг келгусида бошқаларга сотиш ёки истеъмол қилиш учун сотилиши. Ушбу савдо турини олиб борувчи хўжалик юритувчи субъектлар улгуржи савдо корхоналари деб аталади. Улгуржи савдонинг характерли хусусиятларига қуйидагилар киради:


-товарларнинг катта партияларда нақдсиз сотилиши;

-ҳар бир сотиш муомаласини албатта счё-фактура билан қатъий расмийлаштириши;

-товарларнинг фақат омборхоналардан жўнатилиши.


Республикада товарларнинг улгуржи сотилиши Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини қайд этиш ва олиб бориш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ амалга оширилиши лозим. Ушбу низомга мувофиқ улгуржи савдо билан шуғулланиш учун улгуржи савдо корхоналари, шунингдек, улгуржи савдо билан шуғулланмоқчи бўлган бошқа корхоналар энг кам иш ҳаққининг 6000 миқдоридеги устав капиталига эга бўлиши, шунингдек энг кам иш ҳаққининг 2000 миқдоридеги

Савдо корхоналарида товарларнинг умумий таснифи



1-чизма. Савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда товарларнинг умумий таснифи

«Мароқанд нефт база» унитар корхонасида товарларнинг таснифи



2-чизма. «Мароқанд нефт база» унитар корхонаси товарларининг таснифи

малағларни қайд этишгача банк муассасасида очилган дастлабки ҳисоб-китоб рақамига пул маблағлари билан киритилган бўлишлари, товарларни катта партияларда сақлаш ,саралаш, ўраш, юклаш, тушириш имконини берадиган хусусий омборхоналар , жиҳозлар ва бошқа моддий техник воситаларга эга бўлиши, шунингдек маҳаллий ҳокимликнинг рухсатномасига эга бўлишлари лозим.

Чакана сотиш-бу товарларни охириги истеъмолчига сотиш. Ушбу савдо турини олиб боровчи хўжалик юритувчи субъектлар чакана савдо корхоналари деб аталади. Умумий овқатланиш корхоналари, дорихоналар ҳам чакана савдо корхоналари ҳисобланади. Чакана савдонинг характерли хусусиятларига қуйидагилар киради:

- товарларнинг нақд пулга сотилиши;
- товарларнинг савдо шохобчаларида савдо устамалари билан бирга ҳисобга олиниши;
- товарларнинг майда улгуржи сотилишининг чегараланганлиги;
- ҳар бир товарнинг сотилишини хужжатли расмийлаштирилмаслиги;

Чакана савдо фаолиятини олиб бориш республикамызда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасында чакана савдо қоидалари» билан тартибга солинган.

«Мароқанд нефт база » унитар корхонаси улгуржи савдо корхонаси ҳисобланади. Унга тегишли бўлган шохобчалар чакана савдо билан шуғулланади.

«Мароқанд нефт база» УК Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 майдаги 225-сонли, 2003 йил 12 июндаги 265-сонли , 2003 йил 21 октябрдаги 460-сонли қарори, «Ўзбекнефтгаз» МХК (Миллий холдинг компания) бошқарувининг 2003 йил 23 октябрдаги 22-сонли қарори «Ўзнефтмаҳсулот» АК кузатув кенгашининг 2003 йил 30 майдаги 3-қарори ва 2003 йил 15 декабрдаги 11-қарори, «Ўзнефтмаҳсулот »АК нинг 2003 йил 23 майдаги 59-буйруғига асосан ташкил этилган.

«Мароқанд нефт база » унитар корхонаси мустақил балансга эга бўлиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ва ундан четдаги банк муассасаларида белгиланган тартибда ҳисоб- китоб ва бошқа ҳисоб рақамларини очади , давлат тилидаги тўлиқ номи туширилган муҳр ва штампларга ҳамда бланкаларга эга , «Ўзнефмаҳсулот » АК товар белгисидан фойдаланади.

«Мароқанд нефт база » унитар корхонаси фаолиятдан мақсад ўзи хизмат кўрсатадиган ҳудуд доирасида халқ хўжалиги корхоналари ва аҳолини турли нефт маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш , уларни нефт база , филиаллар , ФЁТШ ва транзит орқали сотиш, шу жумладан улгуржи сотишдан, ўз фаолиятининг самарадорлигини таъминлашдан иборат.

«Мароқанд нефт база » унитар корхонаси таркибига қуйидагилар киради:

- Булунгур филиали;
- Жомбой филиали ;
- Самарқанд комплекс автосервис пункти (1-иловага қаранг)

«Мароқанд нефт база » унитар корхонасининг устав фонди Ўзбекистон Республикаси Давлат Қўмитасининг 2007 йил 10 январдаги №1-сонли буйруғига асосан 978955,271 минг сўмни ташкил этади. Корхонанинг баланс суммаси 2010 йил 1 январ ҳолатига 18979106 минг сум, шундан ўз маблағлари манбаълари 4918480 минг сўмни яъни 25.9 фоизни ташкил этади . 2011 йил 1 январ ҳолатига 27565072 минг сўм, шундан 5015451 минг сўм ўз маблағлари манбаълари, яъни 18.1 фоизни, 2012 йил 1 январ ҳолатига 38403831 минг сўм, шундан 5451317 минг сўмни , яъни 14.1 фоизни ўз маблағлари манбаълари ташкил этади.

«Мароқанд нефт база » унитар корхонасининг 3-йиллик молиявий хўжалик фаолияти натижалари қуйидаги 1жадвалда келтирилган.

1 жадвал

«Мароқанд нефт база » унитар корхонасининг 2009-2011 йиллардаги молиявий хўжалик фаолияти натижалари

минг сўм ҳисобида

№	Кўрсаткичлар	Йиллар		
		2009	2010	2011
1	Нефт маҳсулотларини сотишдан тушган тушум	62748238	82143066	90961655
2	Нефт маҳсулотларини сотишдан соф тушум	50277532	66205771	73656321
3	Сотилган нефт маҳсулотларининг тан нархи	46391785	60372113	66208390
4	Давр харажатлари	4284755	6096032	7725317
5	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	652580	277231	524322
6	Молиявий фаолиятдан олинган даромад	117952	27601	37942
7	Молиявий фаолият буйича харажатлар	-	-	-
8	Фойда солиғи	73069	41359	124174
9	Ҳисобот даврининг соф фойдаси	278778	1099	150883

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, «Мароқанд нефт база » унитар корхонаси 2009 йилда 278778 минг сўм, 2010 йилда 1099 минг сўм ҳамда 2011 хисобот йилида эса 52704 минг сўм соф фойда олган. «Мароқанд нефт база» унитар корхонаси 2011 йилда 2009 йилга нисбатан соф фойдаси камайган. Бунга сабаб нефт маҳсулотларининг кирими камайган ва товарларни сотишдан тушган тушум ҳам камайган.

1.2.Товар операциялари ҳисоби ва аудитининг мақсади, вазифалари ва ахборот таъминоти

Товарларни тўғри ҳисобда акс эттиришда уларнинг таркиби , ҳолати, ҳаракати, миқдори, сотиб олиниши ёки ишлаб чиқарилиши, баҳолаш ва қайта баҳолаш тартибларига эътибор бериш лозим. Бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари ўзида товарларнинг таннархини камайтириш имкониятларини , моддий бойликлардан унумли фойдаланиш, сарфлаш меъёрини пасайтириш , товар-моддий қийматликларнинг талабга жавоб берадиган даражадаги сақлаш ва қўриқлаш ҳамда бошқалар тўғрисида маълумотларни умумлаштириши лозим. Ушбу маълумотларни бажариш жараёнида бухгалтерия ҳисобининг олдида қуйидаги вазифалар қўйилади:

-сақлаш ва уларга ишлов бериш жойларида моддий қийматликлар ва товарларнинг сақланиши устидан назорат қилиш ;

-моддий қийматликлар ва товарларнинг ҳаракати билан боғлиқ муомалаларни тўғри ва ўз вақтида хужжатлаштириш;

- қолдиқ товарларни тўғри ҳисоблаш , сақлаш жойлари ва баланснинг тегишли моддалари бўйича ёритиш;

-товарларни сарфи бўйича белгиланган меъёрларга амал қилиш ва ортиқча товарларни сотиш устидан назорат қилиш;

-товарларни етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан бўладиган ҳисоблашишларни келишилган вақтда амалга ошириш ;

-йўлдаги товарлар ҳаракати ва уларни етказиб бериш саналари устидан назорат ўрнатиш;

Ушбу вазифаларни бажариш ва назоратни етарли талаб даражасида ўрнатиш учун субъектда маркетинг бўлимини ташкил қилиш заруриятини келтириб чиқаради .

Бундан ташқари товарларни қабул қилиб олувчи ва сарфга чиқарувчи жавобгар шахсларни тайинлаш ва ушбу муомалаларнинг амалга ошириш учун зарур бўлган

хужжатларга имзо чекувчи жавобгар шахсларни тайинлаш ва белгилаш муҳим ўрин тутди.

Бундан ташқари омборхона хўжалигининг ҳолати, унинг жиҳозлари , ўлчов ускуналари ҳам муҳим ўрин тутди. Чунки товарлар омборхонанинг махсус жиҳозларида–цистерналарда тегишли турлари ва гуруҳлари бўйича сақланиши ва унинг ҳавоси мўътадил бўлиши лозим.

Товарларнинг устидан тезкор ва тизимли назорат ўрнатиш ва уларнинг ҳисобга олишни ташкил қилиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- товарларнинг номи ва баҳосини ўрганиш;

- хужжатлаштириш ва хужжатларни айланиш тартибини аниқ белгилаш ва жавобгар шахсларга бириктириш;

- белгиланган тартибда ва муддатда инвентаризация ўтказиш;

- ҳозирги давр талаби бўлган ҳисоб ва ҳисоботни автоматлаштириш тизимини жорий қилиш ва кенг қўллаш.

Ҳар бир мулк эгаси ўз зиммасидаги мулкнинг тўлиқлигини таъминлашда турли назорат шаклларида фойдаланади, шу жумладан , аудитор хизматидан фойдаланиши мумкин . У ҳолда мулк эгаси раҳбар билан жавобгар шахслар ўртасида моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузилган бўлиши керак . Моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномада товарларнинг тўлиқлигини таъминлашда томонларнинг зарур, келишилган шартлари амалдаги қонунларга асосланган ҳолда кўрсатилади. Товар операцияларини аудит текширувидан ўтказишнинг мақсади уларнинг сақланиши, тежамли ва оқилона ишлатилиши , кирим ва чиқимини ҳисобга олишнинг тўғри ташкил қилишдан иборат. Шунингдек ҳисоб кўрсаткичларининг ишончлилигини ва товарлар билан боғлиқ муомалалар ҳисоби ва солиққа тортиш услубининг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчилик ҳамда меъёрий хужжатларга мувофиқлигини аниқлашдан иборат. Ушбу мақсадга муомалалар моҳиятини , ҳамда назорат тузилмаси ва бухгалтерия ҳисоби тизимини текширувдан ўтказиш ва таваккалчилик (риск)ларни баҳолаш орқали эришилади.

Товар операциялари бўйича ҳисобот кўрсаткичларининг ҳаққонийлигини текширишда бошқа аудит объектлари каби, даставвал , баланснинг «Товарлар» (180-сатр) , Бош дафтар, журнал-ордер ва бошқа ҳисоб регистрлари орасидаги тенгликни аниқлаш зарур.

Шу билан бирга , синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларининг мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш муҳимдир.

Йўлдаги товар-моддий қийматликларни текширишнинг вазифалари: йўлдаги товарлар сифатида ҳисобда турган ҳар бир жўнатишнинг асослилигини аниқлаш , юкларни етказиб бериш муддатларининг ўтиб кетмаганлигини аниқлаш, хўжалик томонидан юкларни қидирув чораларининг кўрилишини аниқлаш , бош бухгалтер ва таъминот ходимлари томонидан йўлдаги моддий қийматликларнинг ҳисобга олиш устидан назорат ўрнатилиши кабиларини аниқлашдан иборат. Булардан ташқари ҳисоб маълумотларининг ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга мос келиши ва товар маҳсулотлар ишлаб чиқариш тўғрисидаги ҳисоботларда қўшиб ёзиш фактлари аниқланганлиги. Текширув жараёнида аудитор қуйидагиларни аниқлаши лозим:

- товарларнинг ҳақиқатда мавжудлиги;

- товарлар билан боғлиқ барча муомалаларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўлиқ ва тўғри акс эттирилганлигини;

- барча товарлар субъект мулки эканлиги , яъни уларга мулкӣ ҳуқуқ мавжудлиги , қарз сифатида акс эттирилган суммалар эса мажбурият эканлиги;

- товарларнинг ва улар билан боғлиқ мажбуриятларни баҳолашнинг тўғрилиги;

- товар-моддий захираларни ҳисобга олиш тамойиллари тўғри танлангани ва қўлланилишининг тўғрилиги.

Товарларни текшириш , улар ҳажми катта бўлган субъектларда аудитнинг асосий қисми деб қаралади.

Товар операцияларини аудит қилишда қуйидаги манбалардан кенг фойдаланилади:

- товар сотиб олиш ва сотишга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;

-товарларни режалаштириш ва тайёрлаш буйича корхонадаги хужжатлар;

-товарларни жўнатиш ва сотишга доир дастлабки хужжатлар ва шартномалар;

-4010, 2900, 9020, 9120 –счётлар ва бошқа счётлардаги муълумотлар;

-журнал-ордерлар, қайдномалари;

-«Молиявий натижалар тўғрисидаги» 2-сонли маълумотлари.

Аудитор текширув мобайнида текширувнинг ушбу соҳаси бўйича танланган ҳисоб юритиш усуллари ва услублари тўғрисида ахборотга эга бўлиши лозим .

4-сон «Товар-моддий захиралар» номли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти талабларига мувофиқ субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати тўғрисидаги буйруғида товар-моддий қийматликларни ҳисобга олишнинг услубий жиҳатлари акс эттирилиши лозим.

Сотув ҳажми ва унинг таркибий қисмларининг аудити кўп жиҳатдан бутун текширувнинг сифатини белгиловчи муҳим масалалардан биридир.

Текширув жараёнида аудитор қуйидаги масалаларни ҳал этади:

-товарларни баҳолаш бўйича усул асосли танлаб олинганлиги ва тўғри қўлланилаётганлигини тасдиқлаш;

-товарларни тўлиқ кирим қилинаётганлигини тасдиқлаш;

-жўнатилган ва сотилган товарлар таннархини тасдиқлаш.

Товарларни сақлаш ва сотиш бўйича маълумот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади : товарларни омборда ҳисобга олиш бўйича варақалар , товарларни етказиб бериш тўғрисида шартномалар , счёт-фактуралар, сотиш бўйича дафтарлар, товарларни бериш тўғрисида юкхатлари, харидорлардан олинган ишанчномалар тушум келиб тушганлиги тўғрисида дастлабки банк ва касса хужжатлари (тўлов-талабномалар, талабнома топшириқномалар, касса кирим ордерлари ва бошқалар) ,

2910«Омбордаги товарлар» ,9020«Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи», 5010«Миллий валютадаги пул

маблағлари», 5110«Хисоб-китоб» счётидаги пул маблағлари, 4010«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 6310«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган аванслар» ва бошқа счётлар бўйича ҳисоб регистрлари (рўйхатномалар, журнал-ордерлар, машинограммалар), Бош китоб, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (2-шакл) ва бошқалар.

Товарларни ҳисобга олишда қўлланиладиган дастлабки ҳужжатлар шакллари субъектдаги моддий қийматликларнинг турлари ва гуруҳларига боғлиқ. Қўлланиладиган дастлабки ҳужжатларда барча зарур реквизитлар бўлиши шарт. Бундай дастлабки ҳужжатларга қуйидагилар киради: товарларни олиш учун ишончномалар , кирим ордерлари, товар-транспорт юкхатлари , омбор ҳисоби карточкалари ёки дафтари ва бошқалар.

Ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа маълумот манбаъларига қуйидагилар киради:

-субъект раҳбарининг буйруғи , директор кенгаши мажлисининг баённомалари , таъсисчилар ва бошқа ҳайъат йиғилиши қарорлари .Агар корхона устав капиталининг миқдорини шакллантириш ёки ўзгартириш мобайнида улуш сифатида товарлар қўшилган бўлса, ушбу ҳужжатларни ўрганиш аудитор учун ўта муҳим аҳамиятга эга;

-корхонада ўтказилган аудиторлик текширувлари ўтган йиллардаги ҳисобот ва хулосалари;

-товарларни етказиб бериш шартномалари.

Аудиторнинг корхона ходимлари билан раҳбарият таркибидаги , бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимидаги ўзгаришлар тўғрисидаги суҳбатлари текширув учун зарур қўшимча ахборотлар бериши мумкин . Бундай ўзгаришларнинг натижалари ишчи ҳужжатларда расмийлаштирилган бўлиши лозим.

Товарларни ҳисобга олишга доир бухгалтерия регистрлари хилма-хил бўлиши мумкин. Улар корхонада қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби шакли ва усулларига ҳамда товарларнинг турлари ва гуруҳларига боғлиқ.

Товар операциялари тўлиқлигини аудит назорати деганда , асосан икки кўрсаткични , биринчи бухгалтерия ҳисобидаги ёзувлар билан , иккинчи моддий жавобгар

шахсларнинг товар ҳисоботларидаги кўрсаткичларни , бир-бирига мос келишини ҳақиқий товар қолдиқлари билан таққослаш тушунилади.

Аудит назоратини ўтказишда товар операциялари аудитининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- товарларни жўнатиш ва сотишни хужжатларда тўғри расмийлаштиришни текшириш;
- товарларни омборда сақланишини таъминловчи шароитларни аниқлаш ;
- товарларнинг ҳақиқий таннархини аниқлигини текшириш;
- товарлар сотилишини тўғри ҳисоблаш;
- сотилган товарлардан олинган молиявий натижаларни тўғри ҳисоблаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш.

1.3.Товар операциялари аудитининг режаси, дастури ва умумий модели

Барча фаолиятлар сингари аудиторлик фаолияти ҳам самарали бўлиши учун аудиторлик режаси ва дастури тузиш лозим.

Аудит режасида корхона фаолияти билан танишиш, дастлабки режалаштириш , текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини баҳолаш, танлаш ҳажми ва муҳимлилик даражасини аниқлаш , аудит дастурини тайёрлаш , аудитни бевосита ўтказиш, бажарилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш, барча оралиқ ва умумий хужжатларни тайёрлаш , текширув натижаларини корхонага тақдим этиш ва ҳоказоларни ўз ичига олган ҳолда аудит ўтказишнинг барча босқичлари акс эттирилган бўлади.

3-сон АФМС га мувофиқ аудитор режада аудит ўтказиш муддатлари ва аудит ўтказиш графигини тузишни, аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси тузишни назарда тутиши лозим.

Стандартга мувофиқ аудитнинг режаси тузилганидан сўнг аудит дастури тузилади.

Аудит дастурида барча аудиторлик амалларининг батафсил рўйхати баён этилади. Дастур аудиторлар учун

батафсил йўриқнома бўлиб унда текширилиши лозим бўлган бухгалтерия бўлимининг текшириш , ички назорат тизимини таҳлил қилиш бўйича барча ҳатти-ҳаракатларни акс эттирилиши керак.

Халқаро амалиётда стандартлаштириладиган ҳар бир объект бўйича 100 та рақам берилган. Стандартлаш объектлари 11 та бўлгани учун жами 1100 та стандарт ишлаб чиқиш мумкин. Амалиётда бундай миқдордаги стандартлар учун эҳтиёж бўлмаганлиги сабабли уларнинг кўпчилиги фойдаланилмайди.

«Режалаштириш» (300-399) деб номланган стандарт режалаштириш масалаларига бағишланган ва у учта стандартдан иборат:

300-«Режалаштириш»

310-«Бизнесни билиш»

320-«Аудитда жиддийлик»

Демак ,режалаштириш масалалари бўйича яна 7 та стандарт қабул қилиш мумкин.

«Режалаштириш» (300) деб номланган аудитнинг халқаро стандарти(АХС) ўз навбатида таркибий тузилишига кўра қуйидагиларга бўлинади:

-Кириш;

-Ишни режалаштириш;

-Аудитнинг умумий режаси;

-Аудитнинг дастури;

-Аудитнинг умумий режаси ва дастуридаги ўзгартиришлар.

Ушбу аудитнинг халқаро стандарти (АХС)нинг мақсади молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш бўйича стандартларни белгилаш ва қўлланма тақдим этишдан иборат.

Аудиторлик ишини мос равишда режалаштириш аудитнинг муҳим жабҳаларига тегишли эътибор қаратиш, эҳтимолий вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни белгилаш ва ишларни қисқа муддатларда бажаришни таъминлашга ёрдам беради. Режалаштириш , шунингдек , ишни тегишли равишда аудитор ёрдамчилари ўртасида тақсимлашга ҳамда бошқа аудиторлар ва экспертлар

томонидан бажарилаётган ишни мувофиқлаштиришга ёрдам беради.

Режалаштириш ҳажми субъект катталиги ,аудитнинг мураккаблиги , аудиторнинг ушбу субъект билан иш тажрибаси ҳамда бизнесни билишликка боғлиқ.

Аудитор аудитни тахмин қилинаётган кўлами ва ўтказиш тартибини баён этган ҳолда , аудитнинг умумий режасини ишлаб чиқиши ва расмийлаштириши лозим.

Аудит дастурини тайёрлаш жараёнида , аудитор ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчиликлари аниқ баҳоланганлиги ҳамда моҳияти бўйича муолажалар билан таъминланадиган керакли бўлган ишонччилик даражасини кўриб чиқиши лозим.

Аудитнинг умумий режаси ва аудитнинг дастури аудит ўтказиш вақтида лозим бўлишига қараб қайтадан кўриб чиқилиши мумкин.

Аудиторлик текширувларини режалаштириш жараёнида халқаро аудит меъёрларининг 2-сонли "Аудиторни мижоз олдидаги мажбурият хати ",3- сонли "Аудитни тартибга солувчи асосий принциплар", 4-сонли "Режалаштириш " ва Ўзбекистон Республикасининг «Режалаштириш» номли 3- андозаларидан фойдаланиш таклиф этилади.

Бу андозаларда илгари сурилган асосий мазмун аудиторлик текширувини сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш учун режалаштириш жараёнининг зарурлигини асослаб беришдир.

Аудитор ўз ишини шундай режалаштириши керакки, бу нарса унга белгиланган вақт ичида товар операциялари , уларни бухгалтерия счётларида акс эттириш тўғрилиги ҳақида холисона хулоса қабул қилиш имконини бериши лозим.

Режа мижоз корхона фаолияти тўғрисида тўпланган маълумотларга асосланиши лозим. Мижоз тўғрисида маълумотлар тўплаш , ўтказилиши кутилаётган аудиторлик текширувининг мақсадлари билан боғлиқ.

«Мароқанд нефт база» унитар корхонасида «Товар операцияларини» текшириш бўйича аудит режаси ва дастури қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин.

«Келишилди»
«Мароканд нефт база» УК
рахбари: Нарзикулов С.
10.03.2011 йил

«Тасдиклайман»
«Global-audit»
аудиторлик таш-
килотининг раҳ-
бари: Абдураимова З.

Аудит режаси

(«Товар операциялари»ни текшириш буйича)

Текшириладиган ҳужалик субъекти: «Мароканд нефт база» унитар корхонаси.

Аудит даври 11-30 март 2011 йил
Аудитни утказишга кетадиган вақт (киши/соат)
2 киши, бир кунда 8 соат (160 киши/соат)
Аудиторлик гуруҳининг раҳбари:
Турдиев Б.Х

Бажарувчи:

ХалимовЗ.А, Турдиев Б.Х

Режалаштирилган аудиторлик хатари -5%

Режалаштирилган натижаларнинг хакикийлик даражаси- 95%

№	Аудит жараёнидаги иш хажми	Бажарилиш даври	Бажарувчи	Изоҳ
1	2910«Омбордаги товарлар»ни текшириш	Бир кун	Турдиев.Б.Х	
2	2911«ФЁТШ (фермер.хўжалик.)даги товарлар»ни текшириш	Икки кун	Халимов.З.А,	
3	2913«ФЁТШдаги товарлар(чакана)»ни текшириш	Бир кун	Халимов.З.А,	
4	2916«Товарлар (қайта ишланган ёғ-мой)»ни текшириш	Бир кун	Турдиев.Б.Х	
5	2950«Товар ости идишлари ва буш идишлар»ни текшириш	Икки кун	Турдиев.Б.Х	
6	2970«Йулдаги товарлар»ни текшириш	Икки кун	Халимов.З.А,	
7	Текшириш натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш	Бир кун	Турдиев.Б.Х	

Аудиторлик гурухининг
рахбари(аудитор) :

Абдураимова З.

«Келишилди»
«Мароканд нефт база» УК
рахбари: Нарзикулов С.
10.03.2011 йил

«Тасдиклайман»
«Global-audit»
аудиторлик таш-
илотининг рах-
бари: Абдураимова З.

Аудит дастури

(«Товар операциялари»ни текшириш буйича)

Текшириладиган ҳужалик субъекти: «Мароканд нефт база» унитар корхонаси.

Аудит даври 11ф30 март 2011 йил

Аудитни утказишга кетадиган вақт (киши/соат)

2 киши, бир кунда 8 соат (160 киши/соат)

Аудиторлик гурухининг рахбари: ТурдиевБ.Х

Бажарувчи:

ХалимовЗ.А, ТурдиевБ.Х

Режалаштирилган аудиторлик хатари -5%

Режалаштирилган натижаларнинг хакикийлик даражаси- 95%

№	Текшириладиган масалалар мазмуни	Аудиторларнинг ишчи ҳужжатлари	Текшириш усуллари
1	Товарларнинг бухгалтерия ҳисобидаги қолдигини аниқлаш	Бош китоб, бухгалтерия баланси	Бухгалтерия балансини бош китоб билан солиштириш
2	Товарларнинг ҳақиқий миқдорини аниқлаш(инвентаризация ўтказиш)	Моддий жавобгар шахслар ҳисоботи, инвентаризация қайдномаси	Инвентаризация, танлаб кузатиш
3	Товарлар баҳосининг тўғрилигини текшириш	Савдо устамасининг ҳисоб-китоби	Иқтисодий, индекслар, таккослаш
4	Товарлар ҳаракатини бухгалтерия ҳисобида тўғри юритилишини текшириш	Бошланғич ҳужжатлар журнал - ордер ва қайдномалар	Солиштириш усули
5	Товар нобудгарчиликларининг мавжудлиги ва ҳисобини текшириш	Бош китоб, табиий камайиш ҳисоб- китоби	Таккослаш усули
6	Реализациядан олинган молиявий натижани текшириш	Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисобот (2-шакл), бош китоб маълумотлари	Солиштириш, таккослаш усули
7	Текшириш натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш	Текшириш натижалари умумлаштирилган жадвал	Жадваллар, аудиторлик таҳлил

Аудитор текширувнинг мақсади ва олдига қўйилган вазифаларидан келиб чиқиб мижоз тўғрисида маълумотлар йиғишга ва бир қатор дастлабки ҳаракатларни амалга оширишга киришади. Жумладан:

1.Аудитор агар мижоз янги бўлса,у билан ҳамкорлик қилиш керакми, йўқми, агар у илгаридан алоқа қилиб келаётган мижоз бўлса, у билан муносабатларини давом эттириш мақсадга мувофиқми, йўқми деган саволларга жавоб бериши лозим.

Тўплаган маълумотлари бўйича аудитор бу корхоналарни фирибгарлик, ҳисобот маълумотларини сохталаштириш,активларини ўзлаштириш ва аудиторларга тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилишда айбланганликларини аниқласа текширувдан воз кечиши мумкин.

2.Аудитор мижозни аудитор хизматидан фойдаланишга мажбур қилган сабабларни аниқлаши лозим.

Бу маълумотлар аудиторлик текшируви таваккалчилигини аниқлаш учун зарур бўлади.Чунки корхона инқирозга юз тутаётган, тўлов шартларини мунтазам бузиб келаётганлиги учун судга берилган мулкни мусодара қилишга тайёрланаётган, ноқонуний фаолият юритишда ва фойдани яширишда айбланаётган бўлса таваккалчилик даражаси жуда юқори бўлади ва бу ҳолатда аудиторлик фирмаси ўз тажрибаси ҳамда ходимларининг билимини ҳисобга олган ҳолда бу буюртмани олиш ёки олмаслик тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

3.Аудитор мижоз фирма билан иқтисодий алоқада бўлаётган хўжалик субъектлари тўғрисида атрофлича маълумот йиғиши лозим.

Бу нарса аудиторлик текшируви натижаларини истеъмолчиларини аниқлаш ва хулосаларини расмийлаштиришда уларнинг эҳтиёжларини тулароқ ҳисобга олиш имконини беради.

4.Аудитор мижоз корхона тўғрисида имкони борича тўла маълумотга эга бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу

маълумотлар корхона фаолиятининг қуйидаги томонларини ёритиши лозим:

- корхона ишлаб чиқаришининг хусусиятлари ва кўламлари;
- корхона товарларининг истеъмолчилари;
- товарларнинг янги турларини яратиш борасида олиб борилаётган изланишлар, тадқиқотлар;
- корхонанинг истеъмол бозоридаги ўрни ва ишбилармон доиралардаги унинг мавқеи;
- корхона бизнесининг ривожланиш истиқболлари;
- корхонадаги моддий техника таъминоти ва товарларни сотиш тизимида қўлланилаётган усуллар;
- корхонадаги бошқарув тизими, унинг раҳбарияти ва ходимларининг таркиби, уларнинг ёши ва билим даражалари;

5. Аудитор ўзини, аудиторлик ташкилотини ва унда ишлаётган ходимларни мижоз корхона манфаатлари билан боғлиқлик даражасини ўрганиб чиқиши лозим.

Бу ҳолат аудиторлик текширувини мустақиллик, холислик принципини таъминлаш учун зарур.

Агар фирма ходимларини, ёки уларнинг оилаларини мижоз корхонага алоқадорлиги бўлса ва у аудитни холислигига таъсир этиш кучига эга бўлса, фирма ёки аудитор бу буюртмани бажаришдан воз кечиши лозим.

Мана шундай маълумотларга эга булгач, агар аудитор буюртмани олиш ўринли, деб ҳисобласа, ўз розилигини мижозга мажбурият хати орқали ёзма равишда билдиради.

Мажбурият хатининг шакли ва мазмуни мижознинг таклифларидан келиб чиқиб турлича бўлиши мумкин.

Шу билан биргаликда халқаро аудит андозаларига кўра мажбурият хатида асосан қуйидаги ҳолатлар ҳисобга олиниши кўзда тутилади:

- молиявий ахборотларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг мақсади;
- корхона раҳбариятини молиявий ахборотлар учун маъсулияти;
- ҳаракатдаги қонунлар, андозалар, касб идораларининг кўрсатмаларига ишораларни ҳисобга олган ҳолда аудит кўлами;

- текширув натижасида олинадиган ҳисоботлар ёки бошқа ахборотларнинг шакли;

-аудиторлик текширувини ўтказиш учун ажратилган вақтни чегараланганлигини ҳисобга олиб, шу вақт ичида текширув қанчалик тўлиқ олиб борилса ҳам, ёлғон маълумотларни аниқланмай қолиш эҳтимолини мавжудлигини кўрсатиш;

-аудиторлик текшируви билан боғлиқ маълумотлардан бемалол фойдаланиш имкониятини яратиш лозимлиги.

Булардан ташқари аудитор хатга яна қуйидаги ҳолатларни ҳам қўшиши мумкин:

- аудитни режалаштиришга тааллуқли битим;

- мижоздан мажбурият шартларига розилигини тасдиқлашни сўраш;

- мижоз учун тузиб берилиши кўзда тутилаётган бошқа бирор бир хат ёки ҳисоботлар тавсифи;

- хизматни тақдирлаш бўйича таклифлар

Буларга аниқлик киритилгач, унга яна қуйидаги ҳолатлар ҳам қўшилиши мумкин:

- аудитнинг айрим йўналишларига бошқа аудиторлар ва экспертларни жалб қилишга тааллуқли битим;

- текширувга ички аудиторлар ва мижознинг бошқа ходимларини жалб қилишга тааллуқли битим;

- агар имкони бўлса, аудитор мажбуриятларини ҳар қанақасига камайтиришга ҳаракат;

- мижоз билан аудитор ўртасида кейинчалик юзага келиши мумкин булган битимларга ишора.

Аудитор текширув жараёнида қандай ҳолатлар ва қийинчиликлар билан тўқнаш келиши мумкинлигини аниқлаб олгандан кейин текширув режасини тузишга киришади. Унда қуйидаги йўналишларни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- аудиторлик текширувининг олдига қўйилган вазифалар;

- текширувдан ўтказиш кўзда тутилаётган йўналишлар;

- текширув жараёнида алоҳида эътиборни жалб қилиш лозим булган фаолият йўналишлари;

- текширувни ўтказиш кетма-кетлиги;

- вақт сарфи;

- аудиторлар ўртасида вазифалар тақсимоти;
- ҳар бир йўналиш бўйича текширувга тортиладиган давр;
- ҳар бир йўналиш бўйича текширувни ўтказиш усули;
- ички аудитор ишидан фойдаланиш мумкин бўлган ҳолатлар;
- экспертлар ва бошқа аудиторлар хизматидан фойдаланиш зарур бўлган ҳолатлар;
- ҳар бир оралиқ ва якуний босқичнинг натижаларини расмийлаштириш шакли;
- хулосалар

Аудиторлик текшируви режаси тайёр булгач, аудитор уни танишиб чиқиш ва ўз фикрини билдириш учун мижоз корхона раҳбарига тақдим қилади. Фикрлардаги номувофиқлик бартараф қилиниб, режа раҳбарият томонидан маққуллангач, корхонада аудиторлик текширувига тайёргарлик бўйича ҳаракат бошланади. Корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси фирмани аудиторлик текширувига тайёрлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиб, уларнинг ҳар бирини бажариш бўйича масъул ходимларни ва ишларни амалга ошириш вақтини белгилаб қўядилар.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини комплекс ёки тематик аудит текширувидан ўтказиш аудитни ташкил этишнинг 2-босқичини ташкил этади. Ушбу босқични аудиторлар 1-босқичда тузилган дастурга мувофиқ олиб борадилар. Дастурга кирган ҳар бир мавзу ёки объектни текширишда аудиторлар маълум кетма-кетликда амал қилишлари, текширишни юқоридан пастга қараб ёки пастдан юқорига қараб текшириш усулларидан бирига амалга оширишлари лозим. Пастдан юқорига қараб текшириш энг қулай усул ҳисобланади.

Ушбу усулга мувофиқ, аудитор ҳар бир объект бўйича маълумотларни бошланғич ҳужжатлардан тортиб то ҳисоботда акс эттирилган кўрсаткичгача тизимлаб чиқади. Аудитор барча текшириш объектлари тўғрисидаги маълумотларни бошланғич ҳужжатлар асосида ўзининг компютерида киритиб боради, оралиқ маълумотларни ойлик, чораклик, ярим йиллик, тўққиз ойлик ва йиллик

даврлар бўйича жамлайди. Бошланғич хужжатлар бўйича исботларни тўплаш чоғида уларнинг тўғри тузилганлигини текширади, улардаги баҳоларни ва соний-суммавий миқдорларни шартномалар билан таққослайди. Ҳар ойлик маълумотларнинг Бош китобдаги мос счётларнинг маълумотлари билан уйғунлигини текширади. Тўплаган маълумотларни “Бухгалтерия баланси”, “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” ва ҳисоботнинг бошқа шаклларида акс эттирилган маълумотлар билан таққослаб кўради. Тўплаган исботларни ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари билан мос келиши текшириладиган объект ҳисоби тўғри олиб борилганлигидан, мос келмаслиги эса хато ва камчиликларга йўл қўйилганлигидан дарак беради. Мос келмаслик аудитордан четланишлар бўйича кейинги исбот-у далилларни йиғишни талаб этади. Худди шундай кетма-кетлик, маълумотларни йиғиш тартиби аудитнинг барча объектилари бўйича амалга оширилади.


Шундан қилиб, аудиторлик текшируви барча объектлар бўйича қуйидаги умумий методологик тартибда амал қилинган ҳолда ўтказилиши лозим(3-чизма).

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишда қуйидаги кетма-кетликка амал қилиниши, шунингдек, қуйидаги ишлар олдинма-кетин бажарилиши керак.

1. Аудитнинг аниқ объектилари ва уларни текшириш кетма-кетлиги белгиланади. Объектларни текширишда кетма-кетликни тўғри танлаш ҳам катта рол ўйнайди, чунки объектлар ҳам ҳисоб нуқтаи назаридан бир-бири билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

2. Ҳар бир объект бўйича текшириш тестлари тузиб чиқилади ва улар бўйича исбот-у далиллар тўпланади.

3. Ҳар бир объект бўйича текшириш натижаси аниқланади, яъни аудитор текширган объект бўйича ҳисоб маълумотининг тўғрилигини тасдиқлайди ёки унда қанчалик четланиш борлигини исботлаб беради.



3-чизма. Аудитни ўтказишнинг умумий методологик тартиби

Товар операцияларининг аудити куйидаги тартиб ва кетма-кетликда амалга оширилади. Даставвал бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан товарларнинг қолдиғини аниқлаймиз. Бундай маълумот корхона балансининг актив томони, иккинчи бўлинмасида ифодаланган бўлади. Баланс қолдиғини оборот ведомости ва Бош китоб маълумотлари билан ўзаро солиштирамиз. Кейинчалик товарларнинг сақланиш жойларидаги ҳақиқий қолдиқлари бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаймиз. Бунинг учун товарларнинг инвентаризацияси ўтказилади. Корхонадаги товарлар чакана савдо шохобчаларида, омборхоналарда сақланаётган бўлиши мумкин. Ушбу товарлар сақланиш жойланиш бўйича тўлиқ инвентаризация қилинади. Товарлар қолдиқларининг ҳақиқий миқдори аниқлангандан сўнг товарларнинг ҳаракати, товароборот ҳажми текширилади. Бундай текширув қуйидаги ҳужжатлар орқали амалга оширилади: мол етказиб берувчилар, сотиб олувчилар билан тузилган шартномалар, товар ҳужжатлари (счёт-фактуралар, товар-транспорт накладнойлари, кирим-чиқим накладнойлар, далолатномалар, пул ҳужжатлари (кирим

касса ордерлари, илова ведомостлари, алоқа квитанциялари, ҳисоб-китоб пластиклари), банк хужжатлари) ва бошқа хужжатлар .

Нефт маҳсулотлари билан боғлиқ хўжалик муомалаларини аудиторлик текширувидан қуйидаги тартиб ва кетма-кетликда ўтказиш мақсадга мувофиқ:

-мазкур текширув участкасининг йўналишлари бўйича ҳисоб сиёсатининг қоидаларини ўрганиш;

-товар операцияларига доир ички назорат тизимининг ишончлилиқ даражасини баҳолаш. Бунинг учун омбор хўжалиги ва омборхоналарнинг ҳолатини текшириб чиқиш;

-моддий жавобгарлик ва моддий жавобгар шахслар ҳисоботларининг ташкил этилишини текшириш;

-нефт маҳсулотларининг ҳисобот санасига таркибини таҳлил қилиш;

-инвентаризация ўтказиш позицияларини аниқлаш;

-нефт маҳсулотлари ҳаракатини таҳлил қилиш;

-нефт маҳсулотлари синтетик ва аналитик ҳисобининг ташкил этилиши ҳамда ҳолатини текшириш.

Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда аудитор нефт маҳсулотларини сотиб олиш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган барча жараёнларнинг аудитини маълум кетма-кетликда амалга оширилади. Буни қуйидаги 4-чизма орқали кўришимиз мумкин .



4-чизма. Нефт маҳсулотлари аудитининг кетма-кетлиги

2.Боб. Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операцияларининг ҳисоби ва аудити

2.1. Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда омбор хўжалиги ва моддий жавобгарликни ташкил қилишни текшириш

Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналар захирасини мустаҳкамлашда товарларни сотиш катта иқтисодий аҳамиятга эга.

Ташкилот томонидан четдан қайта сотиш учун харид қилинган товарлар харид қиймати буйича ҳисобга олиниши мумкин. Товарларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар улар юзага келган ҳисобот даврида ташкилотнинг давр харажатлари (сотиш буйича)га киритилади.

Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операциялари аудитини ўтказиш вақтида бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувларнинг текшируви энг масъулиятли вазифалардан бири ҳисобланади ,зеро бу корхона молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичлари ишончлилигини таъминлаш учун хизмат қилувчи асосий омил ҳисобланади.

Товар операцияларини аудиторлик текширувини ўтказишда ҳисобот шаклларидаги кўрсаткичлар , ҳисобот регистрлари ва дастлабки хужжатлар аудитининг маълумот базаси сифатида қўлланилади .

Ҳисобот даврида аудит ўтказиш учун маълумот материаллари корхонанинг ҳисоб регистрлари : бош китоб, журнал-ордерлар ёки мемориал-ордерлар , синтетик ва аналитик ҳисобнинг айланма қайдномалари , аналитик ҳисоб регистрлари ва бошқалардан олинади.

Ўрганиш жараёнида моддий қийматликларни қабул қилиш , сақлаш ва беришга алоқадор ходимларнинг моддий жавобгарликларини ташкил этишга махсус эътибор қаратилади. Ходимларнинг ҳуқуқ ва бурчлари , уларнинг иш тартиби , товарларни қабул қилиш ва бериш , ҳамда уларни

хужжатлаштириш тартиби , омборларда натурал ўлчовларда ҳисобни юритиш , бухгалтерияга ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари кўрсатилган стандартлар ёки йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва моддий жавобгар шахсларга тақдим қилиш товарларни сақлашни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Омбор хўжалигини кўздан кечириш ва товарлар сақланишининг назоратини хужжатлар асосида текшириш билан изчил амалга ошириш товарларнинг сақланиш тўғрисида асосланган хулосалар қилиш ва профилактик тадбирлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Товарларни аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнини икки қисмга бўлиш мумкин:

1.Инвентаризация ўтказиш орқали уларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш;

2.Товарларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри баҳолашни ҳамда акс эттиришни текшириш.

Аудиторлик амаллари инвентаризациягача, инвентаризация вақтида ва ундан сўнг бажариладиган амалларга бўлинади. Инвентаризацияни бошлагунга қадар аудитор олдинги ўтказилган инвентаризация натижалари тўғрисидаги маълумотларни сўраб олиб , товарларнинг таркибий ва миқдорий ўзгаришларини таҳлил қилади , товарларни сақлаш жойлари ҳақида , ҳамда инвентаризация ишларининг ташкил этилиши тўғрисида маълумотлар тўплайди.

Товарларни омборхона ва бошқа сақлаш жойларида ҳисобга олинишини текшириш уларни инвентаризация қилишдан бошланади. Текширишни бошлашдан олдин аудитор товарлар сақланадиган барча жойларни аниқлаш ва танлаб инвентаризация ўтказиладиган бойликлар рўйхати алоҳида тузиши лозим.

Агар моддий жавобгар шахс меҳнат таътилида ёки узоқ вақтдан бери касал бўлса , айрим аудиторлар инвентаризация ўтказишни ўша шахсиз бажаришга қарор қилиб катта хатога йул қўйишлари мумкин . Чунки товарлар камомати аниқланган тақдирда моддий жавобгар шахс кейинчалик уни тан олмаслиги ва унинг натижаларига эътироз билдириши мумкин.

Агар моддий жавобгар шахс узрли сабаб билан ишда бўлмаса , аудитор омборхонани муҳрлаб қўйиб, инвентаризация ўтказишни у ишга келгандан сўнг бажарилиши керак.

Аудитор инвентаризация қилишни бошлашдан олдин омбор мудиридан инвентаризация бошланадиган сана учун товарларнинг кирими ва чиқими бўйича ҳисобот тузиб , унинг бир нусхасини ташкилот бухгалтериясига топширтиради ва иккинчи нусхасини аудитор ўзига олади. Бундан ташқари, аудитор моддий жавобгар шахсдан бойликларнинг кирими ва чиқимига доир барча ҳужжатлар бухгалтерияга топширилганлиги ва уларда кирим қилинмай колган ёки чиқимда ҳисобдан ўчирилмаган ҳеч қандай товарлар йўқлиги ҳақида тилхат олади. Товарларни сотиб олиш учун ҳисобдорлик суммаси ёки уларни олиш учун ишончномага эга шахслардан ҳам шу мазмунда тилхат олинади.

Шундан сўнг комиссия аъзолари товарларни текширишга киришади , яъни уларни тарозида тортиш ,қайта санаш ёки ўлчаб кўриш йўли билан ҳақиқий қолдиқларини аниқлайди. Аудиторлар инвентаризацияни бошлашдан олдин тарозилар ва бошқа ўлчаш асбобларини аниқ ишлашига ишонч ҳосил қилишлари лозим.

Айрим аудиторлар тортиш, ўлчаш , санаш ишларини ўзлари бажаришга ҳаракат қилишади, ҳисобчи ходим ёки моддий жавобгар шахс бу вақтда ўлчаш натижаларини қайд қилиб туради. Бироқ бундай қилиш нотўғри . Аудитор тортиш, санаш , ўлчаш ишларини тўғри бажарилаётганлигини кузатиб туриши ва натижаларни ўзи ёзиб бориши лозим. Шунингдек, тушунмовчиликлар рўй бермаслиги учун моддий жавобгар шахс ҳам текширув натижаларини ёзиб бориши керак. Вақти-вақти билан бу ёзувларни солиштириш керак.

Товарларнинг ҳар қайси тури бўйича инвентаризация қилиш натижалари инвентаризация рўйхатида қайд қилинади; бундай рўйхат товарлар турган ёки сақланадиган ёки уларнинг бут сақланиши учун жавобгар шахслар бўйича алоҳида-алоҳила тузилади.

Агар товарларни инвентаризация қилиш вақтида моддий жавобгар шахс баъзи нарсалар бу корхонага тегишли эмаслигини улар бу ерда вақтинчалик

сақланаётганлигини айтса, аудитор барибир уларни рўйхатга киритиши лозим . Аудитор кейинчалик бундай товарларнинг алоҳида рўйхатини тузиб, улар кимга тегишли эканини , шунингдек баланسدан ташқари сётда ҳисобга олинишини аниқлаши лозим.

Баъзида нефт маҳсулотлари бўйича намуна олиш усулини қўллаш тавсия этилади. Намуналар икки нусхада олинади ва муҳр билан сурғучланади. Намунанинг бир нусхаси тегишли идишга солиниб лабораторияга таҳлил учун топширилади. Иккинчиси эса тилхат бўйича корхонага қолдирилади. Тилхат эса текширувчига берилади. Таҳлил учун олинган намуналарга далоланома тузилиб , унда корхонанинг номи, намунанинг оғирлиги , ҳажми , олинган жой, сақланаётган жойнинг ҳарорати кўрсатилади. Намуна олиш далолатномасини текширувчилар ва моддий жавобгар шахс имзолайди.

Товарлар бир нечта захираларда сақланиши мумкин. Бу ҳолда камомадни ёпиш мақсадида товарларни бир омбордан иккинчисига ўтказиб қўйишнинг олдини олиш учун инвентаризацияни барча омборларда бир вақтнинг ўзида ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Агар барча омборларни бир вақтнинг ўзида инвентаризациядан ўтказиш имкони бўлмаса , уларнинг ҳаммасини муҳрлаб қўйиб , сўнгра бирма-бир инвентаризация қилиш ва натижаларни расмийлаштириш мумкин.

Инвентаризация ўтказиш чоғида аудиторда товарлар тўғрисида далил-исботлар олишда , технологик жараёнларнинг хусусиятларидан келиб чиқадиган мураккабликлар юзага келиши мумкин . Бунинг учун айрим ҳолларда мутахассислар маслаҳатига зарурат сезилади.

Омбор хўжалигининг аҳволи ва товарлар сақланишини текшириш энг муҳим аудиторлик амалларидан бири бўлиб ҳисобланади. Омбордан товарлар харидорларга корхонанинг сотиш бўлими буйруғига асосан жўнатилади. Товарларни сотиш харидор корхоналар билан тузилган шартнома ва жўнатиш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

Корхона раҳбарияти билан моддий жавобгар шахс ўртасидаги моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномани

ҳар иккала томон имзолагандан кейин моддий жавобгарликка қонуний тус берилади .

Моддий жавобгар шахс ўзига бириктирилган моддий қийматликларнинг тўлиқлиги учун амалдаги қонун олдида жавобгардир . Ўз зиммасидаги товар моддий қийматликларнинг тўлиқлигини таъминлашда моддий жавобгарлик якка ва бригада усулида ташкил қилинган бўлиши мумкин. Моддий жавобгарликнинг қайси усулини қўллаш, ташкил қилиш шартнома шартларида ўз аксини топади. Корхона фаолиятининг ушбу соҳасини ҳар томонлама ўрганиш учун аудитор омборлар , цехлар ва ишлаб чиқариш захиралари сақланадиган бошқа жойларни текширади. Бунда ишлаб чиқариш захираларини сақлаш шароитлари, ёнғин хавфининг олдини олиш, омборларнинг қурилмалар, техникалар , асбоблар билан жиҳозланганлиги ва уларнинг тўғри ишлатилиши , омбор биноларини қўриқлаш ҳолати ҳам ўрганилади. Омбор хўжалигининг қониқарсиз ташкил этилганлиги товарлар сақланиши устидан ички назоратнинг паст даражада эканлигидан далолат беради.

Моддий жавобгарлик қайси усулда ташкил қилинмасин , улар ўз зиммасидаги товар-моддий қийматликлар бўйича ҳисобот бериб борадилар ,ҳисоботни топшириш муддатлари корхона раҳбари томонидан белгиланади. Ҳисобот даврида моддий жавобгар шахс томонидан кирим ва чиқим қилинган товар моддий қийматликлар товар ҳисоботида кўрсатилади. Товар ҳисоботи кунлик, ҳар ўн кунда ёки ҳафта муддатларида белгиланиши мумкин.

“Мароқанд нефт база” унитар корхонасида моддий жавобгар шахслар томонидан ҳар куни “Моддий ҳисобот реестри” тузилади ва бухгалтерияга топширилади (-иловага қаранг).Бу ҳисобот корхона директори томонидан тасдиқланиб, бухгалтер ва моддий жавобгар шахс томонидан имзолангандан сўнг ҳисобга олинади. Бухгалтерияда эса, 1С бухгалтерия дастури бўйича ишланганлиги учун ва бирламчи ҳужжатлар унга киритилганлиги сабабли бухгалтерлар хоҳлаган оралиқ учун “Омбордаги товарлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот” ни топиб олиши ва ундан маълумот сифатида фойдаланиши мумкин (-иловага қаранг). Лекин,

биз корхона бухгалтериясига хужжатларнинг хавфсизлигини таъмилаш мақсадида , улардан бир нусхадан чиқариб , тасдиқлатиб қўйишларини тавсия қиламиз.

“Мароқанд нефт база” унитар корхонасида ҳам товарларни ҳисобга олишнинг тезкор сальдо усулида олиб бориш йўлга қўйилган . Омбордан товарларнинг ҳам сон, ҳам тур жиҳатидан ҳисобга олиш мумкин, бир ой мобайнида бу қайднома бухгалтерияда сақланади ва маълумотнома сифатида фойдаланилади.

«Мароқанд нефт база» унитар корхонасида моддий жавобгарликнинг бригада усули қўлланилади.

Ушбу бригадада жами 20 нафар ходим ишлайди.

«Мароқанд нефт база» унитар корхонасида нефт маҳсулотларини 2 гуруҳга бўлган ҳолда омборда сақлайди.

1. Рангли нефт маҳсулотлари

2. Қора нефт маҳсулотлари

Рангли нефт маҳсулотларига Бензин ва Дизел ёқилғилари киради. Ушбу ёқилғилар 1-01 дан 1-16 гача резервуарларда жойлашган.

Рангли нефт маҳсулотлари омборига корхона директорининг 18.06.2008 №71 буйруғига асосан Буранов Алишер Каримович ёруғ нефт маҳсулотлари катта оператори этиб тайинланган.

Қора нефт маҳсулотлари таркибига Маслонинг турлари, Битум, Ферганол , Солидол , Ферсол, Литол ва бошқа ёқилғилар киради.

Қора нефт маҳсулотлари омборига корхона директорининг 25.12.2006 йилдаги №85 буйруғига асосан Назаров Аҳмад Облоқулович омбор мудирини лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда .

2.2. Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товарлар ҳаракатининг ҳисоби ва аудити

Нефт маҳсулотлари кирими корхонанинг омборида ҳам, бухгалтериясида ҳам олиб борилади . Товарларнинг омборга келиб тушиши бирламчи хужжатларда қайд этилади. Омборларда товарлар турларига кўра ва натура ҳисоби бўйича юритилади. Кўрсатилган хизматлар ва бажарилган

ишлар далолатномалар билан қайд этилади. Товарлар кирими омборга топшириш-қабул қилиш, топшириш юкхатлари билан расмийлаштиради. Бундай хужжатларда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- товарларни топшираётган корхона номи;
- уни қабул қилаётган омбор;
- товарнинг номенклатураси , коди-рақами ва номи;
- товарнинг номи;
- топшириш санаси;
- жавобгар шахсларнинг имзолари;

4-сон БХМС га мувофиқ товарларни ҳисобга олишнинг иккита тизими мавжуд:

1.Даврий тизим- бу тизим чакана савдо ва овқатланиш шохобчаларига тааллуқли бўлиб, унга ҳар бир товарнинг сотилиши қатъий хужжатлаштирилмайди, шу сабабли сотилган товарларнинг таннархини ҳар бир хужжат асосида аниқлаб бўлмайди.Ушбу тизимдаги корхоналар ҳисобот даври ичида товарларни сотиб олинишини вақтинчалик 9140 «Даврий ҳисобда товар-моддий бойликларни сотиб олиш» счётининг дебетиди (Кредит 6010 «Таъминотчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» ва бошқалар), товарларни давр бошидаги ва давр охиридаги қолдиқларидаги фаркни эса вақтинчалик 9150 «Даврий ҳисобда товар-моддий бойликлар буйича тузатишлар» счётининг дебетиди (Кредит 2910 «Омбордаги товарлар») акс эттирадилар. Давр охиридаги товарларнинг қолдиғи ушбу усулда фақат инвентаризация қилиш йўли билан топилади. Ҳисобот даври охирига келиб , юқоридаги вақтинчалик счётлар 9910 «Охирги молиявий натижа» счётининг дебетига ёпилади. Товарларнинг сотилиши ушбу усулда сотиш баҳосида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Нақд сотилганда:

Дебет 5010 «Касса»

Кредит9020«Товарларни сотишдан олинган даромад»

Нақдсиз сотилганда:

Дебет 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромад»

Ҳисобот даври охирида товарларнинг сотишдан олинган даромад 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромад» счётининг дебетига ва 9910 «Охирги молиявий натижа» счётининг кредитига ёпилади.

2. Узлуксиз ҳисоб тизими- Ушбу тизим омборхоналарда товарларнинг келиб тушиши ва кетиши қатъий хужжатлаштириладиган улгуржи ва овқатланиш корхоналари учун хос. Унда товарларнинг сотиб олиш баҳосидаги қиймати 2910 «Омбордаги товарлар» счётининг дебетига ва уларни сотиб олиш манбаълари усулларини кўрсатувчи счётларнинг кредитига (6010 «Таъминотчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» ва бошқалар) акс эттирилади. Товарлар сотилганда сотиш баҳосида корхона даромадига олинади (Дебет 5010 «Касса», 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромад»), бир вақтнинг ўзида сотилган товарларнинг таннари сотиб олиш баҳосида ҳисобдан чиқарилади (Дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннари», кредит 2910 «Омбордаги товарлар»). Ҳисобот даври охирида даромад ва сотиш таннарини акс эттирувчи счётлар мос равишда 9910 «Охирги молиявий натижа» счётининг кредити ва дебетига ёпилади.

Товарларнинг тўлиқ кирим қилинишини текшириш мобайнида аудитор мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларнинг шакллари ва шартларини танланган баҳолаш усулини, сотиб олинган товарлар бўйича ҚҚСни қоплаш тартибини ҳисобга олиши зарур.

Товарларнинг тушуми ва кирим қилиниши мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар ва кузатиб боровчи хужжатлар (товар-транспорт юкхатлари, счёт-фактуралар, қадоклаш ёрлиқлари, сифат гувоҳномаси, қабул қитанцияси ва бошқалар) асосида текширилади.

Омборхона кирим хужжатларини мол етказиб берувчиларнинг кузатиб боровчи хужжатлари ёки материалларни чакана савдода нақд пулга сотиб олиш

хужжатлари билан солиштириш омборхонада содир булган кирим муомалаларини текширишнинг умумий усули ҳисобланади.

Сотиб олинган товарларнинг тўлиқ кирим қилиниши текширишни бошлашда аудитор товарларни ҳисобга оладиган ведомостларда акс эттирилган жами суммаларнинг бошқа ҳисоб регистрлари маълумотларига мослигини аниқлайди.

6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар”(жорий қисми) ва 7010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” (узоқ муддатли қисми) бўйича синтетик ҳисоб регистрлари маълумотлари , ҳамда омборхоналарнинг кирим хужжатлари бўйича аудитор олинган товарларнинг миқдорини ва юкларни қабул қилишнинг тўғри расмийлаштирилишини аниқлайди. Бунинг учун мол етказиб берувчиларнинг пули тўланган счётлари ва бошқа тўлов хужжатларини кирим ордерлари, қабул қилиш далолатномалари, ҳамда омборхона ҳисоби карточкаларидаги ёзувлар билан таққослайди.

Товарларнинг киримига доир муомалаларни хужжатлар бўйича текшириш вақтида қабул қилишнинг миқдор ва сифат қоидаларига риоя қилиниши ; қабул қилиш далолатномалари, тижорат далолатномалари, қабул қилишда аниқланган тафовут далолатномаларининг тўғри расмийлаштирилиши; моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари ва исботловчи хужжатлар реестрларининг бухгалтерияга ўз вақтида тақдим қилиниши аниқланади. Тафовутлар аниқланганида хужжатларни қарама-қарши текширувдан ўтказиш зарур.

Товарларнинг тўлиқ кирим қилинганлигини текширишда ички хужжатлар мол етказиб берувчиларнинг кузатиб борувчи хужжатлари билан солиштирилади. Аудитор олинган товарлар сифати ва миқдоридаги тафовутларнинг далолатномалар билан расмийлаштирилганлиги ва мол етказиб берувчиларга ёки транспорт ташкилотларига ўз вақтида даъво қўзғатилганлиги ўрганилади. Айрим ҳолларда бундай тафовутлар товарларни ўзлаштириш ва камомадни

яшириш мақсадида қалбаки далолатномаларни расмийлаштириш оқибатида юзага келиши мумкин.

Зарур ҳолларда аудитор товарларни кирим қилиш учун асос бўлган хужжатларни уларнинг мол етказиб берувчиларда сақланаётган нусхалари билан солиштириш, қарама-қарши текширув ҳам ўтказлади.

«Мароқанд нефт база» унитар корхонасида товарларни ҳисобга олишнинг узлуксиз тизими қўлланилади. Ушбу тизимга мувофиқ товар операцияларига берилган ўтказмаларнинг тўғрилиги аудитор томонидан текширилади (2-жадвал).

Товарлар таъсисчилардан улуш сифатида олиганда :

Дт2910-2990 «Товарларни ҳисобга олувчи счётлар»

Кт 4610«Муассисларнинг устав капиталига бадаллар буйича қарзлари »

Ҳисобдор шаслардан олинганда :

Дт2910-2990 «Товарларни ҳисобга олувчи счётлар»

Кт 4230«Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар»

Товарлар харидорлардан қайтариб олинганда :

Дт 4010«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кт 9020 “Товарларни сотишдан олинган даромад ”

Бепул олинганда:

Дт2910-2990 «Товарларни ҳисобга олувчи счётлар»

Кт 8530«Беғараз ёрдам тарзида олинган мол-мулк»

Товарлар харидорларга сотилганда:

Дт 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кт9020 «Товарларни сотишдан олинган даромад»

Материалга айлантирилганда :

Дт1010 «Хом ашё ва материаллар»

Кт2910-2990 «Товарларни ҳисобга олувчи счётлар»

Камомад чикканда:

Дт5910 «Камомадлар ва бойликларга етказилган зарардан йукотишлар»

Кт2910-2990 «Товарларни ҳисобга олувчи счётлар»

Нархи пасайтирилганда:

Дт3190 «Бошка олдиндан туланган харажатлар»

**Кт2910-2990 «Товарларни ҳисобга олувчи счётлар»
2-жадвал**

**«Мароқанд нефт база» унитар корхонасида
товарларнинг кирими ва чикими операциялари
буйича счётлар корреспонденцияси**

№	Операциянинг мазмуни	Дебет счёт	Кредит счёт	Ёзувга асос булувчи хужжат
	Товарларнинг кўпайиши			
1	Таъсисчилардан олинганда	2910-2990	4610	Товар ҳисоботи, Товар-пул ҳисоботи, счёт фактуралар, накладнойлар, далолатномалар ва бошқа хужжатлар
2	Хисобдор шахслардан олинганда	2910-2990	4230	
3	Товарлар харидорлардан қайтариб олинганда	4010 9120	9020 2910-2990	
4	Материаллар ҳисобига	2910-2990	1010	
5	Ортиқчалар эвазига	2910-2990	9390	
6	Бепул олиш эвазига	2910-2990	8530	
7	Ички алмашинув эвазига	2910-2990	2910-2990	
	Товарларнинг камайиши			
1	Харидорларга сотилганда	4010 9120	9020 2910-2990	Ҳисоботлар, далолатномалар, накладной, счёт-фактура ва бошқа хужжатлар
2	Материалга айлантирилганда	1010	2910-2990	
3	Камомад чиққанда	5910		
4	Нархи пасайтирилганда	3190		
5	Ички алмашувда	2910-2990		

“Мароқанд нефт база” унитар корхонасида товарлар 01 январ 2011 йил ҳолатига қолдиқ 5704702,0 минг сўмни ташкил этади. 2010 йил давомида 138157962,4 минг сумлик товар кирим қилинган бўлиб, шундан 61599874,0 минг сўмлик товар сотилган бўлиб , 162092,1 минг сўмлик табиий йўқотиш, давлат захираси 102954,0 минг сўмни ташкил килади. Корхона ўз эҳтиёжи учун 309648,4 минг сўмлик товарлар ишлатилган. Йўлдаги товар эса 78930837,5 минг сўмлик товарни ташкил этади.

01 январ 2011 йил ҳолатига товар счётида қолдиқ 2757263,0 минг сўмни ташкил этади.

«Мароқанд нефт база» унитар корхонасининг товарлар киримининг динамикаси 3 жадвалда келтирилган.

3-жадвал

«Мароқанд нефт база» унитар корхонасида 2008-2009 ҳисобот йиллари бўйича товарлар киримининг динамик ўзгариши таҳлили (млн сум)

№	Курсаткичлар	Йиллар		Ўзгаришлар	
		2008	2009	(+; -)	%
1	Бензин АИ 80	760494,5	2316395,6	1555501	204,4
2	Бензин АИ 91	473132,2	155806,5	-317326	-6707
3	Бензин АИ 95	4539,3	5917,2	1377,9	30,35
4	Дизтопливо	2436283,4	1350176,2	-1086107	-44,58
5	Ферганол	23150,6	32864,4	9713,8	41,96
6	Печное топливо	13276,5	5980,6	-7295,9	-54,95
7	Солидол	2418,4	2418,4	0	0
8	Литол	15,3	15,3	0	0
9	Битум БНД	7790,7	32578,0	24787,3	318,17
	Жами:	3721501	3902152	180651	4,85

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, товарларнинг қуйидаги турлари , Бензин АИ 80, Бензин АИ95, Ферганол ва Битум БНДларга талаб ортган ва улар 2008 йилга нисбатан 2009йилда кўпроқ кирим қилинган. Солидол , Литолларда 2008 ва 2009 йиллар бўйича ўзгариш

сезилмаган ва улар мос равишда 2418,4 ҳамда 15,3 млн сўмни ташкил этган.

Талаб кам бўлган товарлар таркибига Бензин АИ91, Дизтопливо , Печное топливо ва бошқаларни киритиш мумкин.

“Мароқанд нефт база” унитар корхонаси нефт маҳсулотларини Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводидан олади (-иловага қаранг).

Нефт маҳсулотлари етказиб берувчилари билан ҳисоблашишлар 6-журнал ордерида ўз ифодасини топади (-иловага қаранг). Бу аралаш регистр ҳисобланиб , биринчи қисмида умумий қарз ва тўланган сумма кўрсатилса, иккинчи қисмида ҳисоблашишнинг натижалари бўйича ҳар бир тўлов хужжати ва ҳар бир кирим ордери бўйича маълумот йиғилиб борилади.

Тўлов хужжатлари 6-журнал ордернинг “келмаган юклар” ва “акцепт” устунларида ой давомида қайд қилиб борилгади , ой охирида эса субъект ушбу нефт маҳсулотларининг ўзининг балансига қабул қилиши ва тегишли гуруҳларга ёзиши шарт .

“Мароқанд нефт база” унитар корхонаси нефт маҳсулотлари етказиб бериш тўғрисида нефтни қайта ишдаш заводлари билан бар йиллик шартнома тузадилар. Шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилади.

Нефтни қайта ишлаш заводларидан нефт маҳсулотлари юк накладной хужжати, ёқилғи паспорти, вагон номери билан жўнатилади. Заводдан жўнатилган ҳар бир вагонни милиция ходимлари томонидан кузатилиб келинади. Нефт маҳсулоти нефт база етиб келганда уни махсус комиссия томонидан текширилиб кейин қабул қилинади. Комиссия таркибида корхона директорининг ўринбосари, “Мароқанд нефт база” унитар корхонасининг катта оператори, товар оператори, корхонанинг катта лаборанти, нефт базадан битта бетараф шахс, нефт базанинг метрология бўлими ходими, Пастдарғом тумани депутати ва вагонни кузатиб келган милиция ходими булиши шарт . Нефт маҳсулоти нефт базага келганидан сўнг, юқоридаги комиссия

гувоҳлигида нефт маҳсулотини миқдор жиҳатидан метрология бўлими ходими, сифат жиҳатидан лаборант текширади ва текшириш натижасида шу маҳсулот бўйича “сифат паспорти” берилади(-иловага қаранг).

Айрим ҳолларда текшириш натижасида камомад чиқиши мумкин.Бундан вазиятда, нефт маҳсулоти қабул қилинмай турилади ва юқоридаги комиссия аъзолигида “Акт” тузилади ва расмийлаштирилади(-иловага қаранг). Ундан кейин 3 нусхада “Талабнома” тузилади (-иловага қаранг). Талабноманинг бир нусхаси нефт маҳсулотини юборган нефтни қайта ишлаш заводида, бир нусхаси “O'znefmahsulot” акциядорлик компаниясига юборилади ва бир нусхаси корхонинг ўзига қолади. Талабнома юборилгандан сўнг икки кун кутилади ва жавоб келмаса, яъни талабнома қондирилмаса, нефт маҳсулоти тушириб олинади ва вагон цистернаси меъёрга нисбатан 18 соат ортиқча тухтаб қолишига сабаб бўлиб, хизмат кўрсатувчи транспорт ташкилотига 205920 сум жаримани нефт база тўлайди. Шундай сўнг, хўжалик судига даъво аризаси билан чиқилади ва нефтни қайта ишлаш заводидан аниқланган камомад суммасини, 205920 сўмлик зарарни, 62920 сўм ихтиёрий тўланган давлат божини ҳамда 5000 сўм почта харажатларини “Мароқанд нефт база” унитар корхонаси фойдасига ундириб беришларини сўрайди (-иловага қаранг).

«Мароқанд нефт база» унитар корхонасида ҳам товарлар сотиб олинганда уларнинг қийматига товарларнинг белгиланган жойгача етказиб берилиши ва керакли ҳолатга келтирилиши билан боғлиқ харид қилиш ва транспорт тайёрлов харажатларига оид барча харажатлар киритилади.

Аудит назоратида товарларни чиқими билан боғлиқ операциялар алоҳида аҳамиятга эга, чунки бу фаолиятда корхонанинг асосий ҳолати , яъни молиявий натижаларини шакллантирувчи омиллар ўрганилади.

Чиқиб кетаётган товар моддий қийматликларнинг қиймати чиқиб кетиш далилини аниқлаш пайтида балансдан ҳисобдан чиқарилади. Товар моддий қийматликлар ташкилотнинг балансидан:

-сотиш;

-бошқа ташкилотнинг устав капиталига таъсис улуши кўринишида ;

-текинга бериш;

-айрибошлаш;

-сақлаш муддати тугагач яроқсизлиги ва маънан эскирганлиги натижасида тугатиш (йўқ қилиш);

-камомад, йўқотиш ёки шикастланиш (синиш , бўлиниш) аниқланиши;

-товар қарзи кўринишида тақдим этиш ёки илгари олинган товар қарзини қайтариш;

-бошқа операциялар ва ҳодисалар натижасида ҳисобдан чиқарилади;

Сотилган товарларни тўғри , ўз вақтида ҳисобини олиб бориш турли тўловларни, шу жумладан, солиққа бўлган тўловларнинг тўғрилигини таъминлайди.

Товарларни сотиш , асосан икки усулда , нақд пулсиз-пул ўтказиш йўли билан ва нақд пулга сотиш йўли билан олиб борилади.

Сотилган товарларнинг тўғрилигини аудитор назоратидан ўтказилаётганда корхонанинг банкдаги ҳисоб варағига, яъни ҳисоб-китоб счётига ўтказилган пул маблағлари банк томонидан берилган кўчирмалар билан таққосланган ҳолда олиб борилиши лозим.

Мулк шаклидан қатъий назар , ҳар бир корхона товарларни сотиш орқали ўз молиявий ҳолатини яхшиланишини таъминлайди. Сотилган товарлар ҳажми бевосита ўрганилади ва харидоргир сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундайди. Сотилган товарларни турли таҳлил қилиш , биринчидан , сотиш билан харажатларни камайтириш имкониятларини аниқлашда , иккинчидан , бозор ҳолатини белгилашда , бир товарга эҳтиёж ва талабни ўрганишда етарли маълумот беради.

Товарларни сотиш , сақлаш жараёнида тегишли нобудгарчиликларни талаб қилади. Савдо ташкилотларида товар нобудгарчилиги икки хил бўлиши мумкин. Нормадаги товар нобудгарчилиги ва нормадан юқори бўлган товар нобудгарчилиги . Товарлар ўз кимёвий хусусияти жиҳатидан ҳам ўз оғирлигини йўқотиши мумкин. Нефт маҳсулотлари ҳам ўз кимёвий хусусиятидан келиб чиқиб буғланади ва

натижада нормадаги нобудгарчилик содир бўлади. Товарлар нобудгарчилиги олдини олиш ҳар бир савдо ходимининг вазифасига айланиши керак , чунки бундай ҳолнинг мавжудлиги ташкилот рентабеллик даражасининг пасайишига олиб келади.

Аудитор товар нобудгарчилигини текширар экан , биринчидан моддий жавобгар шахсларнинг иш фаъолияти билан танишиб чиққан ҳолда мол етказиб берувчилардан келган товарларни ўз вақтида қабул қилинганлигини , моддий жавобгар шахслар томонидан товар ҳисоботларини белгиланган муддатларда бухгалтерияга топширилишини текшириш билан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Аудитор аввало товарларни сотишга доир муомалаларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини, барча хужжатлар –шартномалар , ишанчномалар ва товар-транспорт накладнойлари ва бошқа дастлабки хужжатларнинг тўғри расмийлаштирилишини аниқлаши лозим.

Товарларни текинга бериш бўйича аудитор солиққа тортиш мақсадида улар қийматини аниқлашнинг тўғрилигини текширади.

2010 йил давомида “Мароқанд нефт база” унитар корхонаси ва унинг филиаллари томонидан товарларни сотиш ҳисоби қуйидаги 4 жадвалда келтирилган.

4-жадвал

2010 йил давомида “Мароқанд нефт база” УКси ва унинг филиаллари томонидан товарларни сотиш ҳисоби

Т/р	Сотилган маҳсулот номи	Корхона ҳисоби бўйича	Аудит текшируви натижалари бўйича	Фарқи +/-
1.0	Сотилган товарлар турлари бўйича	90714171,0	90714171,0	-

1.1	Дизель ёқилғиси	38646161,0	38646161,0	-
1.2	Бензин АИ-80	43581489,0	43581489,0	-
1.3	Бензин АИ-91	13725611,0	13725611,0	-
1.4	Бензин АИ-95	677800,0	677800,0	-
1.5	Мой	6436110,0	643611,0	-
2.0	Кўрсатилган хизматлар:Жами	247484,0	247484,0	-
2.1	Автохизмат	228830,0	228830,0	-
2.2	Бошқа хизматлар	18654,0	18654,0	-
	Жами(1.0+2.0)	90961655,0	90961655,0	-

Юқорида кўрсатилган маълумотга асосан корхона ва филиаллар томонидан тақдим этилган кўрсаткичлар ва текширув натижасидаги маълумотлар ўртасида фарқ аниқланмади.

2010 йил давомида «Мароқанд нефт база» УҚси ва филиаллар томонидан сотилган маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини қуйидаги 5 жадвал орқали кўришимиз мумкин.

5 жадвал

2010 йил давомида “Мароқанд нефт база” УҚси ва филиаллари томонидан сотилган товарларнинг таннархи

Кўрсаткич номи	Корхона ҳисоби бўйича	Аудит текшуви натижалари бўйича	Фарқи -;+
Мароқанд	26523399,0	26523399,0	-
Жомбой	34676148,0	34676148,0	-
Булунғур	5008843,0	5008843,0	-
Автосервис пункт	0,0	0,0	-
Жами	66208390,0	66208390,0	-

Юқорида кўрсатилган маълумотга асосан корхона томонидан тақдим этилган кўрсаткичлар ва текширув натижасидаги маълумот ўртасида фарқ аниқланмади.

«Мароқанд нефт база» унитар корхонасининг товарлар чиқимининг динамикаси 6-жадвалда акс эттирилган.

6-жадвал

«Мароқанд нефт база» унитар корхонада 2008-2009 йиллари буйича товарлар чиқимининг динамик ўзгариши таҳлили (млн сум)

№	Курсаткичлар	Йиллар		Ўзгариши	
		2008	2009	(-;+)	%
1	Бензин АИ 80	29876,3	33985	4108,7	13,75
2	Бензин АИ 91	965	986	21	2,18
3	Бензин АИ 95	8,1	7,3	-0,08	-9,88
4	Дизтопливо	20675	20999	324	1,57
5	Ферганол	37,8	38,9	1,1	2,91
6	Печное топливо	2345,7	2500,6	154,9	6,60
7	Солидол	3,2	-	-3,2	-100
8	Литол	0,3	0,02	-0,28	-93,33
9	Битум БНД	549,8	599,9	50,1	9,11
10	Мазут М 40	4,5	6,03	1,53	34
11	Экстробензин	30,4	27,6	-2,8	-9,21
12	Ферсол	6,9	6,2	-0,7	-10,14
	Жами :	54503	59156,55	4653,55	8,54

Жадвалда товарларнинг куйидаги турлари , жумладан БензинАИ80 Бензин АИ 91, Дизтопливо, Ферганол, Печное топливо , Мазут М40 Битум БНД, Лар чикими 2008 йилга нисбатан 2009 йилда бир мунча ошган.

Бундан хулоса килиш мумкинки, Ушбу махсулотларга талаб сезиларли даражада яхшиланган.

Корхонада Бензин АИ 95 , Солидол , Литол, Экстробензин , Ферсол ва бошқа ёқилғилар чиқими , яъни сотилиши 2008 йилга нисбатан 2009 йилда бир оз пасайганлиги кузатилган. Хусусан Солидол 2009 йил ҳолати бўйича умуман сотиш амалга оширилмаган.

«Мароқанд нефт база» унитар корхонаси товарлари камомадини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби «Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисида» ги Низомга мувофиқ олиб борилади.

“Мароқанд нефт база” унитар корхонаси нефт маҳсулотларини ўзига тегишли бўлган 68 та ФЁТШ лар орқали истеъмолчиларга етказиб беради. Булар Оқдарё туманида 9 та, Пастдарғом туманида 10 та, Самарқанд туманида 4 та, Пайариқ туманида 19 та, Жомбой туманида 10 та , Булунғур туманида 5 та, Тайлоқ туманида 4 та ва Ургут туманида 7 та (-иловага қаранг).

“Мароқанд нефт база” унитар корхонаси нефтни қайта ишлаш заводларидан нефт маҳсулотларини улгуржи нархларда олади ва ўзининг устамасини қўйиб шохобчалари орқали сотади. Нефт маҳсулотининг устамаси нефт маҳсулотининг 1 тоннаси учун , корхонанинг таклифига биноат, Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади (-иловаларга қаранг).

“Мароқанд нефт база” унитар корхонаси нефт маҳсулотларини счёт-фактурага асосан сотадилар(-иловага қаранг).

2.3. Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операцияларининг инвентаризация масалалари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин бозор иқтисодиёти асосларини ҳаётга тадбиқ этиш даврида нефт-газ соҳасида ҳам туб ўзгаришларга хусусан , нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналар ўзи жойлашган ҳудудни нефт маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш вазифаси нефт базаларга юклатилганлиги ,

мазкур тармоқ ишини такомиллаштириш муҳим вазифа бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикасига инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш қоидалари ЎзР 19-сон бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС) "Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш" га асосан ўтказилади. Лекин ҳар бир тармоқ ва соҳа ўзининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда инвентаризация ўтказиш учун меъёрий хужжат ишлаб чиқиши мумкин. Нефт маҳсулотларини инвентаризация қилиш учун ҳам меъёрлар ва йўриқномалар ишлаб чиқилган бўлиб , уларда нефт маҳсулотларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда инвентаризация ўтказиш тартиб ва қоидалари белгилаб берилган. Нефт маҳсулотларининг инвентаризацияси УзР 19-сон БХМС"Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш" стандарти билан бир қаторда ОАО «O'ZLITINEFTGAZ» томонидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлигининг 2005 йил 21 июлдаги 4/6-сонли қарори билан тасдиқланган «Нефт, газконденсат ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, ташиш, сақлаш ва жўнатишда табиий йўқолишнинг вақтинчалик меъёрлари» (Тошкент, 2005 йил), ОАО «O'ZLITINEFTGAZ», «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси ва «Ўздавнефтгазинспекция»си томонидан ишлаб чиқилган «Инструкция по приему , хранению, отпуску и учету нефти, газого конденсата и нефтепродуктов» (Тошкент, 2007) га асосан ўтказилади.

«Мароқанд нефт база» унитар корхонасида ҳар йили инвентаризация ўтказиш режаси ишлаб чиқилади . Шу режага асосан «Мароқанд нефт база» унитар корхонасининг ўзида бир ойда икки маротаба инвентаризация ўтказилади . Йил давомида ўтказиладиган инвентаризациялар шу режага асосан ўтказилади. Инвентаризациянинг асосий мақсадлари мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш , ҳақиқатда мавжуд мол-мулкни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш , мажбуриятлар ҳисобда тўғри акс эттирилганлигини текшириш .

Нефт маҳсулотларини инвентаризация қилиш учун нефт базада қуйидаги таркибда доимий ишлайдиган

инвентаризация комиссияси тузилади ва тегишли буйруқ билан расмийлаштирилади:

Нефт базанинг рахбари ёки унинг ўринбосари (комиссия раиси);

Бош бухгалтер;

Бошка мутахассислар (мухандислар, иқтисодчилар, техниклар ва бошқалар).

Нефт маҳсулотларини инвентаризация қилиш, қоидага кўра мазкур омборда нефт маҳсулотларнинг жойлашиш тартибида бажарилиши керак. Инвентаризация вақтида бир турдаги нефт маҳсулотларидан бошқасига тартибсиз ўтишга йул қўйиб бўлмайди.

Нефт маҳсулотлари турли алоҳида омборларда битта моддий жавобгар шахсда сақланганда инвентаризация сақлаш жойлари бўйича кетма-кетликда ўтказилади. Нефт маҳсулотлари инвентаризация рўйхатига ҳар бир ном бўйича киритилади, бунда номенклатура рақами, тури, гуруҳи ва миқдори кўрсатилади.

Аудит жараёнида инвентаризация ўтказилаётганда аудитор йўлда бўлган, юклаб жўнатилган, харидорлар томонидан ҳақи муддатида тўланмаган, бошқа нефт базалар омборларида (вақтинчалик сақлашда) бўлган нефт маҳсулотларни инвентаризацияси тегишли ҳисобварақларда кўрсатилган суммаларнинг асослилигини синчиклаб текшириши керак.

Ушбу нефт маҳсулотларни (йўлдаги, юклаб жўнатилган ва ҳоказо товарлар) ҳисобга олиш ҳисобварақларида тегишлича расмийлаштирилган ҳужжатлар билан тасдиқланган суммаларгина қолиши мумкин:

-йўлда бўлганлари бўйича - мол етказиб берувчиларнинг ҳисобварақ - тўлов талабномалари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар билан;

-юклаб жўнатилганлари бўйича - харидорлар тақдим этган ҳисобварақ-фактуралар нусхалари ва тўлов талабномалари нусхалари билан;

-тўлаш муддати ўтган ҳужжатлар бўйича эса – банк муассасасининг картотекаларда тўлов талабномалари мавжудлигини албатта тасдиқлаши билан;

-бошқа нефт базаларнинг омборларида (вақтинчалик сақлашда) жойлашганлари бўйича – инвентаризация санасига яқин бўлган санага қайта расмийлаштирилган сақланган тилхатлар билан.

Ана шу ҳисобварақлар (талабномалар) бошқа корреспонденцияланувчи ҳисобварақлар билан олдиндан солиштирилиши керак.

Келиб тушган нефт маҳсулотлари кирим қилинмаганлиги фактлари аниқланганда уларни олган шахсларнинг тушунтиришлари талаб қилиниши, суистеъмоллик ҳолатида эса корхона раҳбариятининг ташаббуси билан материаллар тергов органларига оширилиши мумкин (агар моддий жавобгар шахс камомадни тулашдан катъий бош тортса).

Йўлда бўлган, юклаб жўнатилган, харидорлар томонидан муддатида тўланмаган ва бошқа нефт базаларнинг омборларида бўлган маҳсулотларига алоҳида-алоҳида инвентаризация рўйхатлари (далолатномалар) тузилади.

Йўлда бўлган нефт маҳсулотларига доир рўйхатларда ҳар бир жўнатма бўйича қуйидаги маълумотлар келтирилади: номи (ҳужжат бўйича), миқдори ва қиймати (ҳисоб маълумотларига биноан), юклаб жўнатиш санаси, шунингдек, ушбу бойликлар тегишли ҳисобварақларда ҳисобга олинишига асос бўлган ҳужжатларнинг рўйхати ва рақамлари. Бунда белгиланган муддатда келиб тушмаган ҳамда ҳисобда йўлдаги материаллар ва товарлар сифатида қайд этилган юклар бўйича уларни қидириб-топиш учун қандай чоралар кўрилганлигини текшириш зарур.

Шунингдек, инвентаризация натижасида камомад ёки ортиқча аниқланиши мумкин. Инвентаризация натижасида камомад аниқланса аудитор товарларнинг табиий камайишини ҳам эътиборга олиши керак.

Нефт маҳсулотларининг табиий камайиши бир қанча омилларга боғлиқ. Бу омилларга қуйидагилар киради:

- йил фасллари;
- сақлаш муддати;
- сақлаш шароити;

-нефт маҳсулотлари гуруҳи. Бу омиллар тўғрисидаги маълумотлар 7 , 8 ва 9 жадваларда келтирилган.

7-жадвал

1 , 2, 3 гуруҳдаги нефт маҳсулотларини резервуарларга қабул қилиш пайтидаги табиий камайиш меъёрлари

Резервуар тури	Нефт махсулотлар ининг гуруҳи*	Иклим зоналари**					
		1		2		3	
		Куз-киш мавсуми	Бахо р-ёз мавсуми	Куз-киш мавсуми	Бахо р-ёз мавсуми	Куз-киш мавсуми	Бахо р-ёз мавсуми
Ер устидаги цистернала р: Хажми 400 куб.м гача	1	0,50	0,85	0,55	0,92	0,59	1,00
	2	0,40	0,68	0,42	0,71	0,44	0,74
	3	0,31	0,52	0,32	0,55	0,35	0,59
400куб.м дан юкори ва 2000 куб.м дан кам	1	0,49	0,83	0,53	0,88	0,58	0,96
	2	0,39	0,66	0,41	0,68	0,43	0,71
	3	0,32	0,52	0,33	0,54	0,34	0,57
2000 куб.м дан юкори	1	0,28	0,51	0,30	0,66	0,32	0,61
	2	0,22	0,41	0,23	0,43	0,24	0,45
	3	0,19	0,28	0,19	0,32	0,19	0,36

***Изоҳ:** Нефт маҳсулотларининг гуруҳи

1 гуруҳ

- 1.Газ кандесатлари
- 2.Автомобил бензини
- 3.Қайнаш даражаси 40°C дан юқори бўлмаган барча нефт маҳсулотлари

2 гуруҳ

- 1.Газ канденсатлари
- 2.Қайнаш даражаси 50°C дан юқори бўлмаган барча нефт маҳсулотлари

3 гуруҳ

- 1.Авиация бензини
- 2.Техник изооктан
- 3.Эталонли техник изооктан
- 4.Вакуум ёғи
- 5.Нормал эталонли гептан
- 6.Қайнаш даражаси 100°C дан юқори бўлмаган бошқа нефт ва нефт маҳсулотлари

4 гуруҳ

- 1.Лак бўёқ маҳсулотларини аралаштариш учун бензин
- 2.Техник мақсадлар учун керосин
- 3.Техник этилбензол
- 4.Қайнаш даражаси $100^{\circ} - 150^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлмаган бошқа нефт ва нефт маҳсулотлари

5 гуруҳ

- 1.Керосин
- 2.Техник изопропил бензол
3. Қайнаш даражаси $150^{\circ}-180^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлмаган бошқа нефт ва нефт маҳсулотлари

6 гуруҳ

- 1.Масло АМГ-10
- 2.Ёзги дизед ёқилғиси
3. Қайнаш даражаси 180°C дан юқори бўлмаган бошқа нефт ва нефт

7 гуруҳ

- 1.Мазутнинг барча маркалари
- 2.Суюқ Битум

8 гуруҳ

- 1.Куюк Битум
- 2.Бошқа қаттик нефт маҳсулотлари
- 3.Бошқа суюқ нефтлар

**** Изоҳ:** Иқлим зоналари

1-Иқлим зонаси:

Тошкент вилояти ,Жиззах вилояти, Навоий вилояти, Сурхондарё вилояти.

2- Иқлим зонаси:

Тошкент вилояти, Наманган вилояти, Фаргона вилояти, Жиззах вилояти, Самарканд вилояти, Кашкадарё вилояти, Сурхондарё вилояти.

3-Иқлим зонаси:

Тошкент вилояти, Андижон вилояти , Фаргона вилояти, Наманган вилояти, Сирдарё вилояти, Жиззах вилояти, Самарканд вилояти, Кашкадарё вилояти, Сурхондарё вилояти, Бухоро вилояти, Навоий вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси.

8-жадвал

4 ,5, 6, 7 гуруҳ нефт маҳсулотларини қабул қилиш ва бир ойгача сақлаш шароитида уларнинг табиий камайиши меъёрлари

Резервур турлари	Нефт маҳсулотларининг гуруҳлари	Иқлим зоналари					
		1		2		3	
		Куз-қиш мавсуми	Баҳор-ёз мавсуми	Куз-қиш мавсуми	Баҳор-ёз мавсуми	Куз-қиш мавсуми	Баҳор-ёз мавсуми
Ер устидаги цистерналар	4	0,16	0,23	0,16	0,23	0,16	0,23
	5	0,12	0,14	0,12	0,14	0,12	0,14
	6	0,03	0,03	0,03	0,03	0,03	0,03
	7	0,12	0,12	0,12	0,12	0,12	0,12
Ерга қўмилган цистерналар	4	0,07	0,15	0,07	0,15	0,07	0,15
	5	0,07	0,08	0,07	0,08	0,07	0,08
	6	0,02	0,02	0,02	0,02	0,02	0,02
	7	0,12	0,12	0,12	0,12	0,12	0,12

**Нефт маҳсулотларини резервуарларда 1 ойдан
1 йилгача сақлаш муддатида уларнинг табиий
камайиш меъёрлари**

Резервуар тури	Нефт махсулотларнинг гуруҳи	Иклим зоналари					
		1		2		3	
		Куз-қиш даври	Баҳор-ёз даври	Куз-қиш даври	Баҳор-ёз даври	Куз-қиш даври	Баҳор-ёз даври
Ер устидаги цистерналар: Ҳажми 400 куб.м гача	1	0.44	1.30	0.47	1.40	0.51	1.53
	2	0.35	1.04	0.36	1.08	0.38	1.13
	3	0.18	0.63	0.19	0.65	0.20	0.68
	4	-	0.12	-	0.12	-	0.13
	5	-	0.06	-	0.06	-	0.06
400куб.м дан юқори ва 2000 куб.м дан кам	1	0.41	1.24	0.46	1.24	0.49	1.46
	2	0.33	0.99	0.35	1.03	0.36	1.08
	3	0.17	0.61	.18	0.62	0.149	0.63
	4	-	0.12	-	0.12	-	0.13
	5	-	0.06	-	0.06	-	0.06
2000 куб.м дан юқори	1	0.21	0.79	0.23	0.86	0.26	0.93
	2	0.17	0.63	0.18	0.66	0.19	0.69
	3	0.09	0.40	0.09	0.42	0.10	0.43
	4	-	0.06	-	0.06	-	0.06
	5	-	0.06	-	0.06	-	0.06
Ерга кўмилган цистерналар	1	0.15	0.15	0.16	0.16	0.18	0.18
	2	0.12	0.12	0.12	0.12	0.13	0.13
	3	0.05	0.10	0.05	0.10	0.05	0.10
	4	-	0.05	-	0.05	-	0.05
	5	-	0.05	-	0.05	-	0.05

Юқоридаги жадвалларда берилган меъёрларни нефт маҳсулотининг турига қараб унинг ҳажмига кўпайтирсак табиий камайиш миқдори келиб чиқади.

Мисол учун, 300 куб.м 1 гуруҳ нефт маҳсулотларидан бири ҳажми 400 куб.м дан юқори ва 2000 куб.м дан кам

булган цистерналарда Самарқанд вилоятида 1 ойдан 1 йилгача муддатда сақланаётган бўлса ва биз уни 2011 йилнинг 15 ноябрда инвентаризация қилаётган булсак , у ҳолда табиий камайиш миқдори қуйидагича бўлади:

$$300 \cdot 0.47 = 141 \text{ куб.м}$$

Нефт маҳсулотларини инвентаризация қилаётган вақтда нефт маҳсулотлари сақланаётган резервуарнинг ҳажми эътиборга олиниши керак. Чунки ҳар бир резервуар учун «Узстандарт» агентлиги Республика синов ва сертификатлаштириш маркази томонидан колибровка жадвали берилади.

Мисол учун «Мароканд нефт база» унитар корхонасининг 60-ФЁКШ(Фермерларга ёқилги қуйиш шахобчалари)нинг 4-резервуари учун колибровка жадвали қуйидаги 10 жадвалда келтирилган.

10 жадвал

Баландлик мм	Маҳсулот ҳажми Куб.м	1 ммга тўғри келадиган маҳсулот ҳажми
0	0.000	0.000
10	0,004	0,001
20	0.011	0.001
30	0.020	0.001
40	0.030	0.001
50	0.042	0.001
60	0.055	0.001
70	0.069	0.002
80	0.085	0.002
90	0.101	0.002
100	0.118	0.002
110	0.136	0.002
120	0.154	0.002
130	0.173	0.002
140	0.194	0.002
150	0.215	0.002
160	0.236	0.002
170	0.258	0.002
180	0.280	0.002
190	0.304	0.002
200	0.328	0.002
:	:	:
:	:	:
1880	5.746	0,000

Резервуарга қанча нефт маҳсулоти қолганлигини аниқлаш учун резервуар ичига метршток ташланади ва нефт маҳсулоти неча мм баландликка қолганлиги аниқланади. Баландлик аниқлангандан кейин жадвалдан шу баландликка тўғри келадиган нефт маҳсулоти миқдори топиб олинади.

Мисол учун , «Мароканд нефт база» унитар корхонасининг 60-ФЁКШнинг 4- резервуаридаги нефт маҳсулотини инвентаризация қилаётган бўлсак резервуар ичига метршток ташланганидан кейин 10 см баландликка нефт маҳсулоти қолганлиги аниқланди. Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин, яъни 10 см баландликка 0.328 куб.м нефт маҳсулоти қолган экан.

«Мароканд нефт база» унитар корхонасида нефт маҳсулотларининг ортиқчалиги , табиий камайиши ва камомадларининг 2012 йил январ-март ойларидаги ҳалотини кўйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

11-жадвал

«Мароканд нефт база» унитар корхонасида нефт маҳсулотларининг ортиқчалиги , табиий камайиши ва камомадларининг 2012 йил январ-март ойларидаги ҳолати (кг.да)

№	Кўрсаткич номи	Улчов бирлиги	Авто бензин	Керосин	Дизел ва учок ёнил гиси	Бошка суюқ маҳсулотлар	Жами
	1	2	3	4	5	6	7
1	Ортиқчалиги	Миқдор Сумма	- -	- -	- -	- -	- -
2	Табиий йўқолиш меъёри ҳисобида	Миқдор Сумма	20608 32560640	- -	685 1123400	0	21293 33684040
3	Ҳақиқий йўқолиш	Миқдор Сумма	20608 32560640	- -	890 1459600	23 40135	21521 32746735
4	Камомад	Миқдор Сумма	0	-	205 336200	23 40135	228 376335
5	Шу жумладан, айбдорларга қўйилган камомад	Миқдор Сумма	- -	- -	205 336200	23 40135	228 376335

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибтики, 2012 йил январ-март ойларида автобензин бўйича меъеридан ортиқча камайиш бўлмаган. Дизел ва ўчок ёнилғилари камайиши эса меъеридан 205 кг кўп, яъни 336200 сўм кўп йукотилган ва камомад суммаси корхона рахбарининг қарорига асосан айбдорлардан ундириб олинган. Бошка суюқ маҳсулотлар бўйича 23 кг камомад, яъни 40135 сўм аниқланган ва бу сумма ҳам айбдорлардан ундириб олинган.

Айбдорлардан ундирилган камомад суммасига қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Дт 4730 «Ходимларнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзлар» -376335 сум

Кт 5910 «Камомадлар ва бойликларга етказилган зарардан йўқотишлар»-376335 сўм

Табиий камайиш суммасига эса қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади.

Дт 9430 «Бошка операцион харажатлар»-32746735 сум

Кт 5910 «Камомадлар ва бойликларга етказилган зарардан йўқотишлар»-32746735 сум

Изланишлар шуни кўрсатдики “Мароқанд нефт база” УК да аниқланган нефт маҳсулотларининг камомад суммаси 21-сон БХМС “Хўжалик юртувчи субъектлар молиявий хўжалиги бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” талабига тўлиқ мос келмайди, чунки 5910 «Камомадлар ва бойликларга етказилган зарардан йўқотишлар» счёти қўлланилмайди.

Корхона бухгалтериясига ўтказиладиган инвентаризациянинг натижалари (камомадлар) бухгалтерия ҳисобида керакли счётларда акс эттирилиши, уларни ўз вақтида ундириб олиниши ва ҳисобдан чиқарилиши тавсия этилади.

3.Боб. Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операциялари аудитини такомиллаштириш

3.1. Товар операцияларини текшириш бўйича аудиторлик риски ва уни пасайтириш йуллари

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятларида содир бўлаётган жараёнлар маълум мақсад ва вазифаларга қаратилган бўлади. Ҳар бир жараён алоҳида ҳужжатларда акс эттирилиб маълум ахборотларни ташкил этади. Ушбу ахборотлар корхоналарни бошқариш, тўғри қарорлар қабул қилишга асос бўлади. Содир бўлаётган операцияларнинг барчаси қабул қилинган қонун-қоидаларга мос келмайдими. Бунинг сабаблари турлича бўлиб, унга маълум ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади.

Аудиторнинг ижобий фаолияти текширув натижалари бўйича содир бўлган ҳодисаларнинг белгиланган мезонларга нечоғлик мослигини исботлашдан иборат. Исбот ижтимоий-детектив тушунча бўлиб бу ёки у ҳодисанинг қай даражада содир бўлганлигини аниқлашдир. Ҳодисанинг маълум мезон талаблари асосида содир бўлиши мавжуд хавф-хатар билан боғлиқ бўлади.

Аудиторлик исботи –бу хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текшириш жараёнида аудитор томонидан йиғилган ахборотлар ва уларга асосланиб қилинган хулосалар.

Аудит жараёнидаги маълумотлар ва уларнинг исботи аудиторлик ҳисоботи ҳамда аудиторлик хулосасини тузишга асос бўлади. Аудиторлик хулосасининг ўта муҳимлиги ва мураккаблиги аудитордан маълум масъулиятни талаб қилади. Аудитор томонидан хўжалик юритувчи субъект тўғрисида берилган асоссиз хулоса мижозга катта путур етказиши мумкин. Шунинг учун аудиторлик исботи аудит жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Корхона фаолиятида содир бўлган операцияларнинг амалдаги қонун-қоидаларга нечоғлик мос келиш-келмаслигига қараб ўзаро тузилган шартномада аудиторлик

хатари белгиланади. Аудитор текширув жараёнида содир бўлган ҳодисаларнинг тўғрилигини исботлаш мақсадида бир қанча усуллардан фойдаланади. Аудиторлик исботининг даражаси аудиторнинг касбий маҳоратига, билим даражасига, иш тажрибасига бевосита боғлиқдир. Аудиторлик исботига хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги иқтисодий ўзгаришлар , қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари , аудиторларнинг ихтисослашув даражаси ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Аудиторлик исботининг самарадорлиги аудиторлик хатарини тўғри баҳолаш ва уни камайтириш билан белгиланади.

Аудиторлик хатари-бу аудиторнинг хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текшириш натижадаги исботидан сўнг мавжуд бўлган , лекин аниқланмаган хато камчиликларнинг борлиги тўғрисидаги эҳтимолидир.

Аудит ўтказиш жараёнида аудитор жиддийлик ва унинг аудиторлик таваккалчилиги билан ўзаро боғлиқлигини кўриб чиқиши лозим.

Жиддийлик (муҳимлик) – аҳамиятсиз ҳисобланган, яъни фойдаланувчиларни хато фикрда бўлишига йўл қўймайдиган, молиявий счётларда қайд этилиши мумкин бўлган нотўғри сумманинг энг кўп миқдоридир.

Аудитда жиддийликни аниқлаш 9-сон «Жиддийлик ва аудиторлик rischi» номли Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартида белгилаб берилган. Унга кўра, «Аудитда хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботининг ишончлилигига каттагина ҳажмда таъсир кўрсатадиган ҳолатлар жиддий ҳолатлар деб эътироф этилади.

Барча жиддий муносабатларда молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги деганда молиявий ҳисобот кўрсаткичлари аниқлигининг шундай даражаси тушуниладики, бунда ушбу ҳисоботнинг малакали фойдаланувчиси унинг асосида тўғри хулосалар чиқариш ва тўғри қарорлар қабул қилишга қодир бўлади. Ахборотнинг жиддийлиги унинг хусусияти бўлиб, уни ана шундай ахборотдан оқилона фойдаланувчининг қарорларига таъсир кўрсатишга қодир қилади»¹.

¹ ЎзР 9-сон «Жиддийлик ва аудиторлик rischi» номли Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти.

Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларнинг қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асоси”да “муҳимлик”ка қуйидагича талқин берилган:

“Агар маълумот акс эттирилмаслиги ёки нотўғри акс эттирилиши фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот асосида қабул қилган иқтисодий қарорларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, бундай маълумот муҳим ҳисобланади. Муҳимлик маълум вазиятларда модда ёки хато миқдоридан келиб чиқиб уларни акс эттирмаслик ёки нотўғри акс эттириш юзасидан фикр қабул қилинишига боғлиқ. Бинобарин, муҳимлик маълумот фойдали бўлиши учун лозим бўлган бошланғич сифат тавсифи эмас, балки кўпроқ бошланғич ёки ҳисоб бошлаш нуқтасини кўрсатади”.

Аудиторлик режасини ишлаб чиқишда аудитор, муҳим нотўғриликларни миқдорий ифодада аниқлаш мақсадида, муҳимликнинг мақбул бўлган даражасини белгилайди. Лекин, муҳимликнинг катталиги (миқдори) билан бир қаторда, унинг тавсифи (сифати)га ҳам эътибор қаратиш лозим. Сифат нотўғри акс этишнинг мисол тариқасида молиявий фойдаланувчини чалғитишга олиб келиш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳисоб сиёсатини мос бўлмаган ҳолда ёки нотўғри баён этишни ҳамда тартибга солувчи идоралар томонидан кейинги чекловларни қўллашга олиб келиши мумкин бўлган ва, бунинг оқибатида, субъект ўз фаолиятини муҳим даражада амалга ошириш қобилиятини пасайишига олиб келувчи қонунчиликка оид камчиликларни ёритмасликни келтириш мумкин.

Жиддийлик тушунчаси аудитга оид манбааларда турлича таърифланган. Масалан, проф. М.М. Тулаходжаеванинг таърифига кўра «Ҳисоботдаги фойдаланувчиларни қарорлар қабул қилишда чалғитиши мумкин бўлган, оқибатда бефойда молиявий сарф-харажатлар, нобудгарчиликка ва зарарларга олиб келадиган хато ва тушириб қолдиришлар жиддий, муҳим (моддий) ҳисобланади»².

Умумий аудиторлик амалиётида жиддийлик чегараларини қуйидагича белгилаш қабул қилинган:

² Тулаходжаева М.М. Корхона молиявий ҳолати аудити. Ўқув қўлланма. Т.: 1996., 107 б.

$$0 < Ж < 1 \text{ ёки (фоиз ҳисобида } 0 < Ж\% < 100)$$

Ушбу чегара оралиғидаги эҳтимоллик хўжалик субъектлари ҳисоботларининг ишончлилигига таъсир кўрсатадиган хатолар мавжудлигини аниқлаш, тегишли аудиторлик қарорларини қабул қилиш учун ушбу хатоларни баҳолаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини ифодалайди. Бу жиддийликни сифат жиҳатдан тавсифлайдиган таркибий қисмдир. Жиддийликнинг миқдорий жиҳатини тавсифлайдиган таркибий қисми эса унинг маълум даражалари орқали ифодаланади.

«Муҳимлик тушунчаси деганда молиявий ҳисоботни бузишнинг энг юқори қиймати тушунилади, ундан бошлаб ана шу ҳисоботнинг малакали фойдаланувчиси унинг асосида тўғри хулосалар чиқариш ва тўғри қарорлар қабул қилишга қодир бўлмай қолади.

Муҳимлик даражасининг мутлақ қийматини аниқлашда аудитор хўжалик юритувчи субъектнинг аудит қилинадиган, бундан кейин молиявий ҳисоботнинг базавий кўрсаткичлари деб номланадиган ҳисоботи ишончлилигини тавсифлайдиган энг муҳим кўрсаткичларни асос сифатида қабул қилиши керак.

Аудитор:

аудиторлик русум-қоидаларининг табиати, вақти ва теранлигини белгилаш;

бузилишлар таъсирини баҳолаш пайтида муҳимликни кўриб чиқиши керак»³.

Муҳимлик (моддийлик) ни баҳолаш аудиторнинг тажрибаси ва малакасига боғлиқдир ва корхона фаолиятининг ҳажми ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унинг ўзи томонидан ҳар бир мижоз учун белгиланади. Шунинг учун турли аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларлар ушбу муаммога мутлақо бошқача ёндошадилар.

Молиявий ҳисоботнинг айрим кўрсаткичлари етарли даражада аниқ бўлмаслиги мумкин. Лекин, бунинг асосида ҳисобот умуман ишончсиз ёки у ҳақиқий ҳолатни аниқ акс

³ ЎзР 9-сон «Жиддийлик ва аудиторлик rischi» номли Аудиторлик фаолиятнинг миллий стандарти.

этмайди деган хулоса чиқариш мумкин эмас. Ноаниқликлар ҳисоб-китобларда йўл қўйилган хатолардан (масалан, эскириш суммаларини ҳисоблашда) ёки баҳолашдан (масалан, асосий воситаларнинг эскириш муддатлари, ишончсиз дебиторлик қарзлар) келиб чиқиши мумкин. Аммо, аудитор томонидан бундай ноаниқликлар топилганда, ҳисоботга тегишли тузатишлар киритилиши лозим. Лекин, миждоз томонидан ҳар доим дарҳол тузатишлар киритилмайди, тузатишлар умуман киритилмаслик ҳоллари ҳам учраб туради.

Кўпчилик ҳолларда аудиторлар бухгалтерия ҳисоботидаги ноаниқликларни ўтказиб юбордилар, масалан:

улар арзимас бўлиб молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар қарорларига таъсир қилмаса ва, бинобарин, муҳим ҳисобланмаса;

арзимас хатоларни аниқлаш ва уларни тўғрилаш учун сарфланадиган харажатлар юқори бўлса;

бунга сарфланган вақт бухгалтерия ҳисоботини чоп этилиши муддатини узайтириб юборса.

Шундай қилиб аудитор (лар) ҳисоб кўрсаткичлари мутлоқ аниқ ва бухгалтерия ҳисоби аниқ эмас деб фараз қиладилар.

Муҳимликни баҳолашда икки асосий ёндошиш қўлланилади – индуктив ва дедуктив.

Индуктив ёндошиш - ҳар бир модда учун алоҳида баҳо беришни тахмин қилади, ундан кейин баҳоларни бир бирига қўшиш йўли билан умумий моддийлик аниқланади. Лекин, бундай ёндошишни ўта эҳтиёткорлик билан қўллаш лозим, зеро товар операцияларининг қайсидир бир банди бўйича хато муҳим бўлмаслиги, лекин бошқа бир банди бўйича – муҳим бўлиши мумкин.

Дедуктив ёндошиш –товар операцияларининг умумий моддийлиги аниқланишини тахмин қилади ва ундан кейин, ҳар бир счёт бўйича иш ҳажмини аниқлаш учун, товарларнинг алоҳида моддалари бўйича берилган баҳо тақсимланиб чиқилади.

**“Мароқанд нефт база” УКси 2011йил молиявий
ҳисоботининг асосий кўрсаткичлари бўйича жиддийлик
даражасини аниқлаш**

Асосий кўрсаткичлар	Асосий кўрсаткич қиймати (м.с.)	%	Жиддийлик даражасининг суммаси, (м.с.)
Маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишдан олинган тушум (2-шакл, 010-сатр)	90961655,0	5	4548082,7
Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннари (2-шакл, 020-сатр)	66208390,0	3	1986251,7
Жами давр харажатлари (2-шакл, 040-сатр)	7725317,0	3	231759,51
Корхонанинг хусусий капитали (1-шакл, 480-сатр)	5015451,0	10	501545,1
Баланснинг умумий суммаси (1-шакл активдаги 400-сатр ёки пассивидаги 780-сатр)	27565072,0	5	1378253,6
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (1-шакл, 150-сатр)	0,0	3	0,0
Тақсимланмаган фойда (1-шакл, 450)	150883,0	2	3017,66

Сифат нотўғри акс этишнинг мисол тариқасида молиявий фойдаланувчини чалғитишга олиб келиш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳисоб сиёсатини мос бўлмаган ҳолда ёки нотўғри баён этишни ҳамда тартибга солувчи идоралар томонидан кейинги чекловларни қўллашга олиб келиши мумкин бўлган ва бунинг оқибатида, субъект ўз фаолиятини муҳим даражада амалга ошириш қобилиятини пасайишига олиб келувчи қонунчиликка оид камчиликларни ёритмасликни келтириш мумкин.

Аудитор, жамланган ҳолда молиявий ҳисоботга муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, нотўғри акс этишлар нисбатан катта бўлмаган суммаларда бўлиши эҳтимолини кўриб чиқиши лозим. Масалан, муолажа ўтказишда ой охирида йўл қўйилган хато, агар бундай хато ҳар ойда такрорланса, бўлажакдаги муҳим нотўғрилиқка олиб келиши мумкин.

Аудитни режалаштиришда аудитор нималар товар операцияларини муҳим нотўғри акс этишга олиб келиши мумкинлигини кўриб чиқади. Счетларнинг аниқ қолдиғи ва операциялар туркуми билан боғлиқ муҳимликнинг аудиторлик баҳоси аудитор томонидан, масалан қандай моддаларни текшириш ҳамда таҳлилий муолажаларда танлаб олишдан фойдаланиш лозимлиги масалалар юзасидан қарор қабул қилишга ёрдам беради. Бу аудиторга бир-бири билан биргаликда аудиторлик таваккалчилигини қабул қилишга мумкин қадар паст даражагача камайтирадиган аудиторлик муолажаларини танлаб олиш имконини беради.

Муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги орасида тескари ўзаро боғлиқлик мавжуд, яъни муҳимликнинг даражаси қанчалик юқори бўлса, аудиторлик таваккалчилиги шунчалик паст бўлади ва унинг тескараси. Муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги ўртасидаги тескари ўзаро боғлиқлик аудитор томонидан аудиторлик муолажаларининг тавсифи, муддати ва ҳажмини белгилашда инobatга олинади. Масалан, агар аудитор аниқ аудиторлик муолажаларини режалаштиришни яқунлагандан кейин мақбул муҳимлик даражаси белгилангандан паст бўлса, аудиторлик таваккалчилиги ошади. Аудитор вужудга келган вазиятни қуйидаги усуллардан бири билан қоплаши лозим:

- мумкин бўлган жойларда баҳоланган назорат таваккалчилигини пасайтириш ва пасайтирилган даражани кенгайтирилган ёки қўшимча назорат тест синовларини ўтказиш йўли билан тасдиқлаш, ёки:

- моҳияти бўйича режалаштирилган муолажаларнинг тавсифи, муддати ва ҳажмини ўзгартириш йўли билан аниқлаб бўлмаслик таваккалчилигини пасайтириш.

Келишувнинг дастлабки режалаштириш вақтидаги муҳимликка берилган аудиторлик баҳо аудиторлик муолажалар натижаларининг баҳолаш вақтида уларга берилган баҳодан фарқланиши мумкин. Бу вазиятларда вужудга келган ёки аудит ўтказиш натижасида аудиторнинг субъект фаолияти юзасидан билимларидаги ўзгаришлардан келиб чиқиши мумкин. Масалан, агар аудит ҳисобот даврининг якунланишига қадар режалаштирилса, аудитор молиявий-ҳўжалик фаолият ва молиявий ҳолат натижаларини режалаштиради. Гарчи, амалдаги фаолият ва молиявий ҳолат натижалари истиқболлилардан аҳамиятли даражада фарқланса, муҳимлик ва аудиторлик таваккалчиликларга берилган баҳо ўзгариши мумкин. Бундан ташқари, аудитни режалаштиришда аудитор мақбул бўлган муҳимлик даражасини аудит натижаларига баҳо бериш учун кўзда тутилгандан атайлаб пастроқ даражада белгилаши мумкин. Бу аниқланмаган ноаниқликлар эҳтимолини камайтириш ҳамда аудит пайтида ноаниқликлар таъсирига баҳо беришда аудиторни хавфсизлик даражаси билан таъминлаш мақсадида амалга оширилиши мумкин.

Аудитор аудиторлик текширувини режалаштириш жараёнида аудиторлик текширувини самарали ўтказиши учун етарли бўлган бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими тўғрисида фикрга эга бўлиши лозим. Таваккалчиликни мақбул бўлган паст даражагача камайтириш учун керакли бўлган аудитор таваккалчилигига баҳо бериш ва аудиторлик муолажаларини ишлаб чиқиш мақсадида аудитор малакавий мулоҳазани қўллаши лозим.

Аудиторлик таваккалчилиги – бу аудиторлик текширувининг, мижознинг ички назорат тизимининг самарасизлиги, аудиторлар томонидан мижоз хатоларини аниқлай олмаслиги таваккалчилигини баҳолашдир.

Аудиторлик таваккалчилиги тушунчаси 9-сон АФМС да қуйидагича ифодаланган, Унга кўра, «Аудиторлик таваккалчилиги - аудитор томонидан субъектив равишда белгиланадиган, аудиторлик текшируви якунлари бўйича молиявий ҳисобот унинг ишончилиги тасдиқланганидан кейин аниқланмаган жиддий бузилишларни ўз ичига олиши мумкинлигини эътироф этиш ёки аслида бундай бузилишлар

молиявий ҳисоботда бўлмасада, унда жиддий бузилишлар мавжудлигини эътироф этиш эҳтимолидир»⁴.

Фараз қилайлик, агар аудитор салбий хулоса берса ёки хулоса беришдан воз кечса ўзини хавф-хатарга қўймаслиги мумкин. Аммо бу нотўғри фикр, чунончи, аудитор учун бу ҳолда мижозларни йўқотиш хавфи вужудга келади. Бундан ташқари, аудитор ҳар қандай, ҳатто, мижоз-корхона молиявий ҳисоботини тўлиқ тасдиқлайдиган хулоса берганида ҳам, у шартнома мажбуриятлари билан боғлиқ хавф-хатарни ўз зиммасига олади. Аудиторлик фаолиятида учрайдиган бундай хавф-хатарлар йиғиндисини кейинчалик аудиторлик рискларнинг мақбул тўплами дейиш мумкин.

Маълумки, ҳар қандай малакали ва пухта ўтказилган аудиторлик текшируви ҳам аудиторлик рискини тўлиқ бартараф эта олмайди. Шунинг учун аудиторлик амалиётида унинг мақбул чегараси 5% деб қабул қилинган. Яъни, аудиторлик ташкилоти томонидан берилган юзта аудиторлик хулосасидан бештаси мунозарали масалалар бўйича нотўғри хулосалар бўлиши мумкин. Бундай риск яъни, 5% миқдорида нотўғри хулоса бериш эҳтимоли аудиторлик ташкилоти учун жиддий ҳисобланмайди ва унинг рақобатбардошлигини пасайтирмайди. Аксинча, бу кўрсаткич (5%) ни янада пасайтиришга уриниш беҳуда куч ва маблағ сарфлашга олиб келади ҳамда рақобатбардошликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Миқдорий усул аудиторлик таваккалчилигининг кўп сонли моделларини миқдорий ҳисоблашни фараз қилади. Булар ичидан энг оддийси:

$$Ат = Ст \times Нт \times Мт,$$

бунда:

Ат – аудиторлик текшируви ўтказилгандан кейин товар операциялари бўйича аниқланмай қолган моддий хатоларни мавжуд бўлишлигини қабул қилиш тахмини тўғрисида аудиторнинг фикрини акс этувчи аудиторлик текшируви самарасизлиги таваккалчилиги (аудиторлик таваккалчилиги);

⁴ ЎзР 9-сон «Жиддийлик ва аудиторлик rischi» номли Аудиторлик фаолиятнинг миллий стандарти

Ст – компания хусусиятлари билан боғлиқ бўлган таваккалчилик (соф таваккалчилик), яъни: ички назорат тизими самарадорлигини кўриб чиқишдан олдин, товар операциялари билан боғлиқ, белгиланган миқдордан юқори бўлган хатолар мавжуд бўлишлиги тахмини;

Нт – мижознинг ички (ички хўжалик) назорат тизими билан боғлиқ бўлган таваккалчилик;

Мт – тестлар ўтказиш муолажалари самарасизлиги билан боғлиқ бўлган таваккалчилик (муолажа таваккалчилиги) – тестлар ўтказиш жараёнида, аудитор учун қабул қилиниши мумкин бўлган миқдордан юқори хатоларни аниқланмай қоллиниши тахмини.

Умумий аудиторлик амалиётида аудиторлик таваккалчилигининг мақбул тўпламига қуйидагича ёндашув ишлаб чиқилган ва улар инглиз тилидаги бош ҳарфлари бўйича қуйидаги формула кўринишида ифодаланган:

$$DAR = IR \times CR \times DR$$

DAR (Desired audit risk) – аудиторлик таваккалчилигининг мақбул тўплами;

IR (Internal risk) – ички хўжалик таваккалчилиги;

CR (Control risk) – назорат таваккалчилиги;

DR (Direction risk) – аниқланмаслик таваккалчилиги.

Халқаро амалиётда “Аудиторлик таваккалчилиги” деганда молиявий ҳисобот аҳамиятли нотўғри акс этилганда аудитор тегишли бўлмаган аудиторлик хулоса тақдим этилиши тушунилади. Аудиторлик таваккалчилиги уч таркибий қисмдан иборат: яъни, ажралмас таваккалчилиги, назорат таваккалчилиги ва аниқлаб бўлмаслик таваккалчилиги.

“Ажралмас таваккалчилиги” - бу тегишли ички назорат мавжуд эмас деб тахмин қилинганда, счетлар қолдиғи ёки операциялар туркуми алоҳида ёки бошқа счетлар қолдиғи ёки операциялар туркумидаги нотўғри акс этишлар билан жамланганда аҳамиятли бўлган нотўғри акс этишликка мойиллиги.

“Назорат таваккалчилиги” - бу счетлар қолдиғи ёки операциялар туркумида мавжуд бўлиши мумкин нотўғри акс этиш (у алоҳида ёки бошқа счетлар қолдиғи ёки операциялар туркумидаги нотўғри акс этишлар билан жамланганда аҳамиятли бўлиши мумкин) бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари томонидан ўз вақтида олди олинмаганлиги ёки аниқланмаганлиги ва тузатилмаганлиги.

“Аниқлаб бўлмаслик таваккалчилиги” шундан иборатки, бунда аудиторлик муолажалар моҳияти бўйича счет қолдиғи ёки счетлар туркумидаги алоҳида ёки бошқа счетлар қолдиғи ёки операциялар туркумидаги нотўғри акс этишлар билан жамланганда аҳамиятли бўлган нотўғри акс этишни аниқлай олмайди.

Хулоса қилиб айтганда, жиддийлик ва таваккалчилик даражасини баҳолаш аудиторлик текширувини муҳим босқичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг малакали амалга оширилиши нафақат сифатли аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси тузиш, балки аудиторлик ташкилоти каби, миждоз-ташкilotнинг ҳам барқарор ривожланишига замин яратади.

Корхонада ички назорат тизимини (ИНТ) баҳолаш мақсадлари – корхонанинг жорий хўжалик ишларини тартибга солиш ва самарадорлик билан амалга ошириш: раҳбариятнинг молиявий-хўжалик сиёсати талабларини бажариш, корхона активларини сақлаш, ҳужжатлар, яъни маълумотлар тўлиқ ва аниқ даражада бўлишлигини таъминлашдир.

Ички хўжалик назорат ишончилигини баҳолаш, назорат муолажалари хўжалик операцияларини ҳисобга олиш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган хатолар ва камчиликларни олдини олиш, аниқлаш ва тўғрилашга қаратилган бўлиши лозим. Баҳолаш муолажаларини етти хил йўналишлар бўйича амалга ошириш тавсия этилади: ҳақиқийлик, тўлиқлик, рухсат берилиши, аниқлилиқ, табақалаштириш, ҳисоб, даврлаштириш. Назоратнинг муайян объектларини аудит қилиш жараёнида ички назорат ва ҳисоб тизимини бевосита баҳолашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Хўжалик операцияларнинг ҳақиқийлиги қайд қилинган операциялар ҳақиқатдан ҳам ҳужжатлардаги кўрсаткичлар билан тасдиқланганлигини билдиради.

Тўлиқлилик – барча амалга оширилган хўжалик операциялар бухгалтерия ҳисобида акс этилган, бирортаси ҳам қолиб кетмаганлигини ифодалайди.

Рухсат берилиши – иқтисодий субъектнинг ҳисоб сиёсати бўйича ҳисобга олинишдан олдин барча операциялар тегишли рухсатномага эга эканлигини кўрсатади.

Аниқлилик – бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари ва регистрларидаги барча кўрсатилган суммалар тегишли равишда ҳисобланганлигини кўрсатади.

Табақалаштириш – барча операциялар тегишли счетларда тўғри акс этилганлигини ифодалайди.

Ҳисоб – тегишли операциялар бўйича ҳисоб жараёни тугалланганлиги ва ҳисоб умумий қабул қилинган стандартларга жавоб беришлигини англатади.

Даврлаштириш – барча операциялар улар содир этилган даврда расмийлаштирилганлиги ҳамда бухгалтерия ҳисобининг тегишли даврида акс этилганлигини кўрсатади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимига текширувнинг тегишли йўналишлари бўйича барча тизим ёки назоратнинг алоҳида воситалари ишончлилигига баҳо бериш ёки аудиторлик экспертизасини режалаштиришга таъсир кўрсатувчи қарорларни қабул қилиш, тегишли далилларга асосланганлигини кўрсатган ҳолда, аудиторлик ташкилоти томонидан ҳужжатлаштирилиши лозим.

Халқаро амалиётда “Бухгалтерия ҳисобининг тизими” деганда операцияларга, молиявий ёзувлар юритиш сифатида, субъектнинг масалалар туркуми ва ҳисоб ёзувлари орқали ишлов бериш тушунилади. Бундай тизимлар операциялар ва бошқа ҳодисалар бўйича ҳисоботни солиштириш, йиғиш, таҳлил қилиш, ҳисоблаш, туркумлаш, рўйхатга олиш, умумлаштириш ва тақдим этиш мақсадида қўлланилади.

“Ички назорат тизими” - бу тартибли ва самарадорли фаолият юритиш, жумладан субъект сиёсатига риоя қилиш, активлар бутлигини таъминлаш, товламачилик ва хатоларни олдини олиш ва аниқлаш, бухгалтерия ёзувларининг аниқ ва

тўлиқ бўлиши ҳамда ўз вақтида ишончли молиявий ҳисобот тайёрлашга йўналтирилган, амалда мумкин бўлган қўламда, субъект раҳбариятининг мақсадга эришиш учун ёрдам берадиган, субъект раҳбарияти томонидан қабул қилинган барча муолажалар ва сиёсат (ички назорат). Ички назорат тизими бухгалтерия ҳисоби тизими вазифаларига бевосита тааллуқли бўлган масалалар доирасидан четга чиқади ва қуйидагилардан иборат:

1. “назорат муҳити” - бу ички назорат тизими ва унинг субъект учун муҳимлигига нисбатан субъект директорлари ва раҳбариятининг умумий нуқтаи-назари, хабардорлиги ва ҳаракати. Назорат муҳити назоратнинг аниқ муолажалар самарадорлигига таъсир кўрсатади. Масалан, кучайтирилган бюджет назорати ва ички аудитнинг самарадорлик вазифалари бўлган ички назорат муҳити назоратнинг аниқ муолажаларини аҳамиятли тўлдириши мумкин. Шунга қарамасдан, қаттиқ назорат муҳити ўз-ўзидан ички назорат тизимининг самарадорлигини таъминламайди. Назорат муҳитида акс этилган омиллар қуйидагилардан иборат:

директорлар кенгаши ва қўмиталарининг вазифалари;
субъект раҳбариятининг фалсафаси ва вазифани бажариш услуги;

субъектнинг ташкилий тизими ҳамда ваколатлар ва масъулиятлар бериш услуги;

субъект раҳбарияти томонидан назорат тизими, жумладан ички аудит вазифалари, ходимлар бўйича сиёсат ва муолажалар ҳамда хизмат мажбуриятларини тақсимлаш.

2. “назорат муолажалари” - бу назорат муҳитига қўшимча равишда субъектнинг аниқ белгиланган масалаларини ҳал этиш учун субъект раҳбарияти томонидан белгиланган муолажалар ва сиёсат. Назорат муолажалари қуйидагилардан иборат:

ҳисоботни тақдим этиш, солиштириш ва тасдиқлаш бўйича муолажаларни солиштириш;

ёзувларнинг арифметик тўғрилигини текшириш;

амалий дастурлар ва компьютер-ахборий тизимлар юзасидан назоратни амалга ошириш, масалан қуйидагилар юзасидан назорат ўрнатиш йўли билан:

компьютер дастурлари ўзгариши;

маълумотлар файлларига кириб бориш;
назоратли счетлар ва синов балансларни юритиш ва текшириш;

ҳужжатларни тасдиқлаш ва улар юзасидан назоратни амалга ошириш;

ички манбалардан олинган кўрсаткичларни маълумотнинг ташқи манбалари билан солиштириш;

пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва товар-моддий заҳиралар ҳисоб-китобини бухгалтерия ёзувлари билан таққослаш;

активлар ва ёзувлардан тўғридан-тўғри жисмоний фойдаланиш имконини чеклаш;

молиявий натижалар бўйича таҳлил ва натижаларни бюджетда кўзда тутилган суммалар билан таққослаш.

Савдо корхоналарида товар операцияларини аудиторлик текширувидан ўтказиш бухгалтерия ҳисоботида катта хатоликларга йўл қўйиш хавфини камайтиради. Шунинг учун товар операцияларини текширишни бошлашдан олдин , аудитор энг кўп учрайдиган қоидабузарликларни аниқлаши ва шуни ҳисобга олган ҳолда зарур текширув амалларини танлаши керак.

Товарлар тўғрисидаги ахборотларнинг ишончлилиги бўйича аудитор фикрининг шаклланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

-тўлиқ акс эттирилиш субъектга тегишли барча товарларнинг бухгалтерия ёзувларида акс эттирилганлигини ва бухгалтерия ҳисоботида киритилганлиги .

Товарлар билан боғлиқ муомалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг тўлиқлигидаги хатоликлар ҳисобот маълумотлари ҳаққонийлигининг пасайишига олиб келади. Бундай хатоликларни топиш анча мураккаб . Бунинг учун аудитордан дастлабки ҳужжатларни ёки ҳисобга таалуқли бўлмаган ахборотларни танлаб олиш талаб қилинади;

-товарлар билан боғлиқ муомалаларни етарли даражада асос бўлмаган ҳолларда ҳисобга олишнинг мавжудлиги. Масалан , субъект ўз балансида мулк хуқуққа эга бўлмаган мулкларни комиссия ёки консигнация шартномалари бўйича олинган моддий қийматликларни

киритган . Бундай хатоликлар ҳисобот кўрсаткичларининг ошириб кўрсатилишига олиб келади;

-хўжалик фаолияти фактларининг вақтинчалик аниқлик принцигига риоя қилиниши. Бу хатоликлар муомалаларнинг ҳисобот даврларида нотўғри тақсимланиши , яъни уларнинг содир бўлган ҳисобот даврида эмас , балки бошқа ҳисобот даврида акс эттириш билан боғлиқ . Кўчиллик ҳолларда амалиётда олинган материаллар уларга бўлган мулквий ҳуқуқ олувчига ўтмасдан олдин акс эттирилади ёки аксинча , материаллари ҳали йулда бўла туриб , уларга мулквий ҳуқуқ харидорга ўтган бўлади. Мол еказиб берувчилардан счёт-фактурасиз олинган моддий қийматликлар ҳисобда акс эттирилмайди ёки кирим қилинмайди. Даврийлаштиришдаги хатоликларни аниқлаш учун аудитор ҳисоб ёзувларини ўрганиши ва уларни дастлабки ҳужжатлар билан солиштириши керак;

-товарларни баҳолашнинг тўғрилиги ,яъни уларни кирим қилишда сотиб олиш баҳоси нотўғри аниқланиб , бунинг оқибатида маҳсулот таннархи нотўғри ҳисобланади. Бу хатоликлар ҳисоб юритиш услубиятининг бузилишига олиб келади ва кўп ҳолларда мунтазам содир бўлади;

-товарларни бухгалтерия ҳисобининг тегишли счётларида акс эттиришнинг тўғрилиги. Бундай хатоликлар инвентаризация ўтказиш мобайнида аниқланиши мумкин.

Товар операцияларининг аудитини ўтказишда аудитор фақат бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларидаги молиявий ҳисоботга тааллуқли сиёсат ва муолажаларга ўз эътиборини қаратади. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларига тааллуқли жабҳаларни тушуниш, ажралмас таваккалчилик ва назорат таваккалчилигига баҳо бериш ҳамда бошқа жабҳаларни кўриб чиқиш билан биргаликда аудиторга қуйидагиларга имкон яратади:

- товар операцияларида вужудга келиши мумкин бўлган муҳим бўлажак нотўғрилиқлар турини солиштириш;

- муҳим нотўғрилиқлар таваккалчилигига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш;

- тегишли аудиторлик муолажаларини ишлаб чиқиш.

Аудит ўтказиш бўйича йўналишни ишлаб чиқишда, товар операциялари тасдиқлари юзасидан тегишли аниқлаб

бўлмаслик таваккалчилигини белгилаш ҳамда бундай тасдиқларни текширишга йўналтирилган моҳияти бўйича муолажаларнинг тавсифи, муддати ва ҳажмини аниқлаш учун, аудитор назорат таваккалчилигига (ажралмас таваккалчилиги билан бир қаторда) берилган дастлабки баҳони кўриб чиқади.

3.2. Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операциялари аудитини такомиллаштириш

Республикада аудит хизматлари ривожланишининг бошланғич босқичидадир. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан тасдиқланган “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги қарори илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган зарурий ҳужжат ҳисобланади. Ҳозирги кунда ташқи аудит билан бирга ички аудит хизматларининг ўзаро муносабатларини ривожлантириш бугунги кунда амалий жаҳатдан катта аҳамиятга эга.

«Мароқанд нефт база» унитар корхонаси молиявий хўжалик фаолиятини ҳар йили аудиторлик текширувидан ўтказилади. Бу аудиторлик текшируви давомида “Мароқанд нефт база” унитар корхонасининг бухгалтерия ҳисоби ҳолатини, молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширган пайтида амалдаги қонунчилик талабларига риоя этилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобланиши ҳамда тўланиши, активларнинг бутлиги таҳлил қилинган ва текшириш натижаларига кўра аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси берилган. Текширув натижаларига кўра тақдим этилган аудиторлик ҳисоботида товар операцияларининг аудитига қисман тўхталиб ўтилган. Лекин, «Мароқанд нефт база» унитар корхонаси Самарқанд вилояти бўйича ягона нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи савдо корхонаси бўлганлиги сабабли, унинг асосий ҳисоб ва аудит объекти ҳам товарлар бўлганлиги сабабли аудит ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари аудитнинг режаси ва дастурида

товар операцияларининг аудитига асосий эътиборни қаратишлари лозим .

Аммо олиб борилган тадқиқот шундан далолат берадики, аудиторлик текширувларида материаллари таркибида бу соҳага умуман кам эътибор берилган. Аудиторлар бу соҳани текширганда, танлаб эмас ёппасига текширув усулидан фойдаланиб текширишлари лозим.

Изланишлар шуни кўрсатдики, 1-сон “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” деб номланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига (БХМС) талаблари асосида корхона ва корхона филиалларида ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилмаган.

Корхона ва корхона филиалларида бухгалтерия ҳисобини юритиш методлари бўйича , яъни ,товарлар қийматини баҳолаш усуллари, масалан ФИФО,асосий воситалар бўйича эскириш (амортизация) ҳисоблаш усуллари, корхонада хужжатлар айланмаси жадвали, активлар ва мажбуриятларни санокдан ўтказилиши, бухгалтерия ҳисоби счётларининг қўлланилиши, ҳисоб регистрларининг тизими, маълумотлар ва уларнинг йўналишлар бўйича таҳлили, усуллари кўрсатиб ўтилмаган ва корхонада ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилмаган.

Фақатгина ҳисоб сиёсатига тегишли бўлган ишчи счётлар режаси ишлаб чиқилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда корхонада 1-сон Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобинининг миллий стандарти талаблари асосида корхонада Ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишни тавсия қиламиз.

Барча фаолиятлар сингари аудиторлик фаолияти ҳам самарали бўлиши учун аудиторлик режаси ва дастури тузиш лозим.

Стандартга мувофиқ аудитнинг режаси тузилганидан сўнг аудит дастури тузилади.

Аудит дастурида барча аудиторлик амалларининг батафсил рўйхати баён этилади. Дастур аудиторлар учун батафсил йўриқнома бўлиб унда текширилиши лозим бўлган бухгалтерия бўлимининг текшириш , ички назорат тизимини таҳлил қилиш бўйича барча ҳатти-ҳаракатларни акс эттирилиши керак.

Лекин “Мароқанд нефт база” унитар корхонасининг 2010 йил молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишдан олдин аудит режаси ва дастури тузилмаган ва улар текшириш материаллари таркибида мавжуд эмас.

Биз барча аудиторлик ташкилотларига аудит текширувини бошлашдан олдин 3-сон АФМС талабларига мувофиқ, аудитнинг самарали ўтказилиши учун унинг режаси ва дастурини албатта тузишни тавсия қиламиз.

Аудит текшируви ўтказишнинг режаси ва дастурини намунасини 1 боб 3-параграфда келтирилган.

Корхоналарда моддий жавобгар шахсларни, яъни омбор мудирларини ишга қабул қилаётган вақтларида моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузадилар ва бу шартномани ҳар иккала томон имзолагандан кейин моддий жавобгарликка қонуний тус берилади. Бизнинг фикримизча биргина шартнома тузиш билан чекланиб қолмаслик керак. Яъни, моддий жавобгар шахсларни қабул қилаётганда уларнинг шахсий варақалари билан танишиб чиқиши, яъни улар муқаддам судланмаганлиги (судланган бўлса сабаби), уларнинг маълумоти шу соҳага мос келишини аниқлашлари ва уларни шу соҳага доир тест синовларидан ўтказишса мақсадга мувофиқ бўларди. Лекин, изланишлар шуни кўрсатдики, кўпгина корхоналарга моддий жавобгар шахсларни қабул қилиш пайтида буларга кам эътибор берилади ва натижада корхонанинг келажақдаги фаолиятига бу эътиборсизлик салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Биз корхоналарга келажақда моддий жавобгар шахсларни қабул қилаётганида уларнинг маълумоти, иш стажи, судланмаганлиги ёши, билим даражасига эътибор беришларини тавсия қиламиз.

“Мароқанд нефт база” унитар корхонасида нефт маҳсулотларининг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш мақсадида ҳар 15 кунда бир мартаба инвентаризация ўтказилади.

Инвентаризация натижасида камомад ёки ортиқча аниқланиши мумкин. Инвентаризация натижасида камомад аниқланса аудитор товарларнинг табиий камайишини ҳам эътиборга олиши керак.

Нефт маҳсулотларининг табиий камайиши бир қанча омилларга боғлиқ. Бу омилларга қуйидагилар киради:

- йил фасллари;
- сақлаш муддати;
- сақлаш шароити;

Лекин, изланишлар шуни кўрсатдики “Мароқанд нефт база” унитар корхонасида табиий камайишига унчалик эътибор берилмас экан. Биз “Мароқанд нефт база” унитар корхонасига, корхонада суистеъмолликларни олдини олиш ва корхона харажатларини камайтириш мақсадида нефт маҳсулотларининг табиий камайишига эътибор беришларини тавсия қиламиз.

Шунингдек, изланишлар шуни кўрсатдики “Мароқанд нефт база” УК да аниқланган нефт маҳсулотларининг камомад суммаси 21-сон БХМС “Хўжалик юрутувчи субъектлар молиявий хўжалиги бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” талабига тўлиқ мос келмайди, чунки 5910 «Камомадлар ва бойликларга етказилган зарардан йўқотишлар» счёти қўлланилмайди.

Корхона бухгалтериясига ўтказиладиган инвентаризациянинг натижалари (камомадлар) бухгалтерия ҳисобида керакли счётларда акс эттирилиши, уларни ўз вақтида ундириб олиниши ва ҳисобдан чиқарилиши тавсия этилади.

Корхона фаолиятида содир бўлган операцияларнинг амалдаги қонун-қоидаларга нечоғлик мос келиш-келмаслигига қараб ўзаро тузилган шартномада аудиторлик rischi белгиланади.

Аудиторлик rischi - аудитор томонидан субъектив равишда белгиланадиган, аудиторлик текшируви якунлари бўйича молиявий ҳисобот унинг ишончлилиги тасдиқланганидан кейин аниқланмаган жиддий бузилишларни ўз ичига олиши мумкинлигини эътироф этиш ёки аслида бундай бузилишлар молиявий ҳисоботда бўлмасада, унда жиддий бузилишлар мавжудлигини эътироф этиш эҳтимолидир.

Лекин , аудиторлик ташкилотларининг аудиторлари томонидан аудиторлик riskига умуман эътибор берилаяпти,

яъни , барча аудиторлар аудит режаси ва дастурини тузишда аудиторлик рискинни умумий 5%деб оладилар. Бизнинг фикримизча аудиторлар корхона фаолиятининг ҳажми, уларни амалдаги қонун-қоидаларга нечоғлик мос келиш-калмаслигига қараб ва корхона фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўзлари аудиторлик рискинни аниқлашлари лозим.

4.Боб. “ Мароқанд нефт база ” унитар корхонасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг ташкил этиш асослари

4.1. “Мароқанд нефт база” унитар корхонасида бахтсиз ҳодисаларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигида меҳнат муҳофазаси қонунда кўрсатилганидек :

-меҳнат муҳофазаси иш жараёнида инсоннинг меҳнат қобилиятини , соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш учун йўналтирилган қонунлар мажмуаси , ижтимоий-иқтисодий , ташкилий , техник , гигиеник, профилактик тадбирларни ўз ичига қамраб олар экан , демак барча жабҳаларда фуқароларнинг меҳнат қилиш шароити талаб даражасида яратилиши лозим⁵.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий –қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари ва турли вазирликларнинг кўрсатмалари ва буйруқлари ташкил этади.

Конституцияда энг аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўрсатилган. Шу билан биргалиқда иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар ҳам ҳимояланиш асоси берилган.

Конституциянинг 9-боби иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоясига қаратилган. 36-моддада “Ҳар бир шахс қонунда кўрсатилган тартибда меҳнат қилиш, эркин касб танлаш , одилона шароитларда меҳнат қилиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир” дейилган ва унинг давомида “Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан (Ҳарбий хизмат чоғида фавқулодда ҳолат шароитида ва бошқалар) ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади” дейилган.

Конституциянинг 37-моддасида “Барча ёлланиб ишлаётган фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун

билан белгиланади” деб ,фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқини амалга оширилишини таъминлайди. 38-моддада “Ҳар ким қариганда , меҳнат лаёқатини йўқотганда , шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга, худди шунингдек пенсиялар , нафақалар , ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас” деб фуқароларимизнинг ҳаёт хавфсизлиги таъминланган.

39-моддада “Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга” деб тиббиёт хизмати ҳеч бир чекланишларсиз , турли-туман тиббиёт хизмати корхоналари ташкил этилиши ва малакали тиббиёт ходимлари ўз шахсий даволаш муассасаларига эга бўлиши , даволаш соҳасида рақобат вужудга келиши билан Республикамзда яшовчилар малакали тиббиёт хизматидан фойдаланиш имконияти таъминланди.

Юртимизда фуқаро меҳнати муҳофазасини Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонуни (1993йил 6 май) , “Меҳнат кодекси” (1995 йил 21 декабр, №;161-1) ,“Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида” Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6-июн, 286-қарор) ва турли давлат стандартлари ва кўрсатмалари асосида ҳуқуқий асоси яратилди.

Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун жами 5 бўлим , 29 моддадан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш усуллари , мулк шаклидан қатъий

назар меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ягона тартибини белгилайди ҳамда фуқароларнинг соғлиги ва меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган.

“Мароқанд нефт база ” унитар корхонасида ходимларнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлигига , меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига катта аҳамият берилган.

Сўзимизнинг далили сифатида корхонада қабул қилинган “Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими”ни келтиришимиз мумкин.

“Мароқанд нефт база ” унитар корхонасида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими қонун ва норматив ҳужжатлар билан қатъий тартибга солинган ва бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий тадбирлар , метод ва воситалар комплекси бўлиб, ишчиларни (ходимларни) хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш факторларидан муҳофаза қилишга , бахтсиз ҳодисаларни бартараф қилишга, шу жумладан , ўлим ҳодисалари ва касбий касалликларни олдини олишга йўналтирилган.

“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун асосида ишлаб чиқаришдаги инсон соғлиги учун зарарли бўлган омилларни бартараф қилиш , бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш жойларининг санитария-гигиеник жиҳатдан қониқарли ҳолатда бўлиши учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш масъулияти маъмурият зиммасига юклатилганлиги кўрсатиб ўтилган. Касбий зарарликлар мавжуд бўлган ҳудудларда меҳнат қиладиган ишчилар учун қисқартирилган иш куни , қўшимча дам олиш кунлари жорий этилиши , зарарли иш жойларида ишлаганларга , яъни жуда иссиқ ҳароратли , совуқ , зах ва соғлиқ учун зарарли шароитда меҳнат қиладиганлар учун махсус устама ҳақ ҳамда ҳимоя кийимлари берилиши кўзда тутилади.

Корхоналарда ишчи ва хизматчилар ишининг хавфсизлик даражаси , шунингдек , хизмат малакаси ишчининг стажи , лавозимидан қатъий назар ишга қабул қилинганда белгиланган муддатларда техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар билан таништирилиш шарт. Йўриқлантирув икки: кириш ва иш жойидаги турлардан ташкил топади.

Кириш йўриқлантируви техника хавфсизлиги , ёнғин хавфсизлиги ва тиббиёт хизмат ходимлари томонидан ўтказилади. Унда янги ишга кираётган ишчини мазкур корхонанинг ички тартиб-қоидалари , шу жараённинг ўзига хос зарарли хусусиятлари , техника хавфсизлиги меъёрларини бажариш мажбурияти , шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ва бахтсиз ҳодиса рўй

берганди биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари билан таништирилади

Иш жойидаги йўриқлантирув цех бошлиғи ёки навбатчи бошлиқ иштирокида уста ёки сардор томонидан ўтказилади. Бунда ишчи бажарадиган вазифаси , иш жойи техника хавфсизлиги йўриғи билан танишади. Йўриқлантирувдан ўтган ишчи 10 кун ичида тажрибали ишчи назоратида иш ўрганади. Ишлаш билими комиссия томонидан қониқарли деб баҳоланган ишчи мустақил ишга қўйилади. Ўтказилган барча йўриқлантирув махсус журнал ва ишчининг шахсий варақасига ёзиб қўйилади.

Корхонадаги барча ишчилар учун олти ойда камида бир марта иш жойидаги йўриқлантирув қайтариб турилади. Технологик жараён ўзгарганда , корхонага янги машина ва агрегатлар ўрнатилганда, цехда заҳарланиш ва бахтсиз ҳодисалар туфайли шикастланувчилар кўпайса , унда режадан ташқари йўриқлантирув ўтказилади.

Ўта хавфли ишларда ишлайдиган ишчилар хавфсиз ишлаш усуллари бўйича махсус ўқитилади. Буларга босим остида ишлайдиган идиш ва аппаратлар , газда ишлайдиган машина ва аппаратлар , компрессорлар , электр ускуналарда ишлайдаган лифтлар , электр транспорти ҳайдовчилари , газ ҳамда электр пайвандчилар ва шунга ўхшаш касбларда ишлайдиган ишчилар киради. Бундай ишларга ишчиларни қўйишдан олдин уларнинг билими синаб кўрилади ва уларга “наряд рухсат” берилади.

Саноат корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқитиш ва тарғибот қилиш мақсадида техника хавфсизлиги хоналари ташкил этилади. Унда техника хавфсизлигига оид қўлланмалар , махсус адабиётлар, замонавий шахсий ҳимоялаш воситалари бўлиши зарур .

Ишлаб чиқариш корхоналарида Меҳнат кодекси ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги меъёрларни бузишда айбланган раҳбар шахслар маъмурий, моддий ва жиноий жавобгарликка тортилади.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти , ишлаб чиқаришга янгидан-янги технолония ва машина ускуналарнинг жорий этилиши ишлаб чиқаришга ишлаётган

ҳар бир ходимдан юқори малакани эгаллашни , техника қонунларини яхши тушунишни ва унга амал қилишни талаб қилмоқда. Ҳозирги вақтда ишчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўплаб қоида, норма , йўриқномалар ишлаб чиқилган бўлишига қарамай , саноат корхоналарида бахтсиз ҳодисаларнинг бутунлай йўқолиб кетишини таъминлайдиган ва тартибга соладиган шароит мавжуд эмас.

Корхоналарнинг хилма-хиллигини ҳисобга олиб ўзи учун мос келадиган меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган инструкциялар тизими GOST 12.0.004-79 ташкил қилинган.

Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими корхона бўлимларида , участкаларида , цехларида соғлом ва хавфсиз ишлаб чиқариш шароитини яратиш , меҳнатни муҳофаза қилиш жараёнини бошқаришни таъминловчи тадбирларни ташкиллаштириш , ташкилий тизим, мақсад ва вазифалар тизимига ягона талаб қўяди.

Тизимда ишлаб чиқариш хавфсизлигига , меҳнат муҳофазасига йўналтирилган ихтиёрий тадбирларни қўлаш тартиби , меъёрий –ҳуқуқий ҳужжатларда , меъёрий –техник ҳужжатларда риоя қилиш, узлуксиз меҳнатни муҳофаза қилиш фаолиятини мукамаллаштириш тартиби кўрсатилган.

Корхонада меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими элементларини бирлаштирувчи бошқарув тизими ва сиёсатининг асосий қисми сифатида хизмат қилиш тизимнинг асосий мақсадидир.

Корхона ходимларини , шу жумладан, бўлимлар бошлиқларини , бошқарув ходимларини , ишчиларни меҳнат муҳофазасига йўналтирилган узлуксиз фаолиятини мукамаллаштириш , ишлаб чиқариш хавфсизлигини бошқаришнинг замонавий метод ва тамойилларини қўллаш ҳам тизимнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими , “Меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлар тизими”, “Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими” ва тармоқли стандарт “НХК” “Ўзбекнефтгаз”, “Нефт ва газ тармоғи корхоналарива ташкилотларида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш

тизимига асосий талаблар” ва шунингдек АЖ “Ўзнефтмаҳсулот” бош директори № 1 қарори билан 5-январ 2010 йилда тасдиқланган “Корхона стандарти СТП-393.001. 2009” асосида ишлаб чиқилган.

Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими корхонанинг барча бўлимлари, цехлари, ишчи ва хизматчилари учун бирдек амал қилиниши керак.

4.2 “Мароқанд нефт база” унитар корхонасида тез ёнувчи моддаларни сақлаш қоидалари

Ёнувчи модда билан ҳаводаги кислороднинг ўзаро таъсири натижасида жуда тез кесувчи ва кўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқувчи кимёвий реакцияга ёниш дейилади. Кўп ҳолларда ёниш ёнувчи модда заррачаларининг нурланиш билан бирга кечади. Ёнғин ҳосил бўлиши ва давом этиши учун ёнувчи модда (қаттиқ, суюқ ва газсиммон), оксидловчи модда (оддий шароитда оксидловчи модда вазифасини ҳаводаги кислород ўташи мумкин) ва ёндирувчи манба (учқун, очиқ аланга ва чўғланган нарса) мавжуд бўлиши керак. Шунини айтиш керакки, ҳаводаги кислород миқдори 15 % дан юқори бўлгандагина оксидловчи вазифасини бажара олади, ундан паст концентрацияда эса ёниш содир бўлмайди.

Ёниш жараёни тўхташи учун оксидланиш-тикланиш экзотермик занжир реакцияси тузилиши керак. Бу реакцияда тўхташнинг физик ҳамда кимёвий усуллари қўлланилади. Физик усуллари: алангани ёнувчи модда юзасидан узиб ташлаш, ёнувчи модда юзаси ҳароратини алангаланиш ҳароратидан пасайтириш, оксидловчи модда (кислород) концентрациясини камайтириш (кўпинча ёнмайдиган газлар концентрациясини ошириш ҳисобига) ва ёнувчи модда билан оксидловчини бир-биридан ихоталаш. Кимёвий усуллар: ёниш реакциясини тормозлаш ҳисобига амалга оширилади.

Ўт ўчириш воситалари асосан уч турга бўлинади:

1) ёнишни тугатиш усули бўйича- совитувчи, аралаштирувчи, ихоталовчи ингибитирлаштирувчи;

2) электр ўтказувчанлиги бўйича- электр токини ўтказувчи (сув, буғ, кўпик) , электр токини ўтказмайдиган (газлар, кукунли бирикмалар);

3) заҳарлилиги бўйича- заҳарли (фреон , брометил) , кам заҳарли (карбонат ангидрид, азот) , заҳарсиз (сув, кўпик, кукунли бирикмалар)

Сув ўтти ўчиришда энг кенг тарқалган моддадир. Ўзининг қуйидаги хусусиятлари туфайли ўтти ўчиришда энг афзал ҳисобланади. Иссиқлик сиғими катта, ёнаётган юзага тушганда унинг иссиқлигини ютиб олади. Юқори ҳароратли юзаларга тушган сув тезда буғланади. Буғланиш натижасида унинг ҳажми 1700 марта ортади ва вақтинча ёнаётган юзани қамрам олиб ҳаводаги кислород миқдорини камайтиради. Сувнинг юзаларини ҳўллаш хусусияти ёнғиннинг тарқалмаслигига катта рол ўйнайди. Унинг сирт таранглиги (0.073 n/m) бўлганлиги учун ёнаётган моддаларнинг тирқиш ва тешиқларига тезда кириб ,уларни совтади.

Сунгги йилларда сув нефт маҳсулотларини ҳам ўчиришда ишлатилмоқда. Ёнғин бўлаётган юзаларга у майда заррачалар ҳолида сепилади. Бу майда (0.14-0.5мм катталиқдаги) томчилар тезда буғланади ва буғланаётган суюқлик юзасини қамраб олиб кислородни ўтказмайди. Шунингдек, сув охириги пайтларда ўт ўчиришда кенг қўлланилаётган ҳаво-механик кўпик ҳосил қилишда ҳам ишлатилади.

Ўт ўчиришда сувнинг салбий хусусиятларидан бири электр токини ўтказувчанлигидир. Бу кучланиш остида бўлган ускуналарни ўчириш имкониятини бермайди. Бундай ташқари, сув айрим моддалар (калий, натрий) билан кимёвий реакцияга киришиб парчаланади. Парчаланиш натижасида ажралиб чиқадиган водород портлаши мумкин, кислород эса ёнишни кучайтиради. Шунингдек, сув билан калций карбидини ҳам ўчириб бўлмайди. , чунки унга сув текканда ёнувчи газ –ацетилин ажралиб чақади.

“Мароқанд нефт база” унитар корхонаси ўз фаолиятини амалга оширишда ишлаб чиқариш хавфсизлигини ва меҳнатни муҳофаза қилишни аҳамиятли эканлигини тан олади.

“Мароқанд нефт база” унитар корхонаси қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилади.

1.Меҳнат муҳофазаси ва ишлаб чиқариш хавфсизлигини, унинг сиёсати лойиҳаси меҳнат муҳофазаси техник ва ёнғин хавфсизлиги мутахассиси раҳбарлигида ишчи гуруҳ томонидан тайёрланади:

Ишчи гуруҳ зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади:

-меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими хужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқариш;

-хужжатларни ишлаб чиқиш жараёнидаги келишмовчиликларни кўриб чиқиш;

-мажлисларни ташкиллаштириш ва ўтказиш ;

-меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими хужжатлари лойиҳасини текшириш ;

Йўриқномада нефтбаза ходимлари учун қуйидаги талаблар қўйилган:

-иш бошлашдан олдин хавфсизлик талаблари ;

-иш вақтидаги хавфсизлик;

-авария ҳолатидаги хавфсизлик талаблари;

-ишдан кейинги хавфсизлик талаблари .

Бу талабларда меҳнат тартиби , дам олиш, овқатланиш, кийиниш, ёнғин ва портлаш хавфсизлигини таъминлаш , шикастланишлар олдини олиш , тиббий ёрдам кўрсатиш , иш жойини тайёрлаш , жиҳозлар созлигини текшириш , ёруғлик , вентеляция , электр жиҳозлари , сигнализацияларни текшириш , авария ҳолатларини олдини олиш каби талаблар кўзда тутилган.

Мамлакатимизда аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги таъминланган . Бу эса меҳнат қилиш ҳақидаги қонуниятда таъкидланган. Шу билан бирга аёллар аъзоларининг баъзи хусусиятларини ва аёлларнинг оиладаги мавқеини ҳисобга олиб , қонуниятда улар учун маълум енгилликлар ва махсус қоидалар белгиланган . Аёллар соғлигига зарар келтиришини ҳисобга олиб , баъзи бир ишларда аёллар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқланади.

Масалан, “Мароқанд нефт база” унитар корхонасида аёлларнинг нефт маҳсулотларини ортиш , тушириш ҳамда нефт маҳсулотлари сақланадиган омборларда ишлашларига йўл қўйилмайди., улар қўлда 20 кг гача бўлган юкни ва

замбилғалтак билан 50 кг дан ошмаган юкни олиб юришлари мумкин.

Фарзанд кўриши керак бўлган ва эмизувчи аёлларга махсус енгилликлар яратилган. Бундай аёлларни ва 8 ёшгача болалари бўлган аёлларни тунгги (соат 22 дан соат 6 гача), ишдан таўқари , дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилиш ва командировкага юбориш таъқиқланади. Аёлларга туғиш олдидан ва туққандан кейин 56 календар кундан ҳақ тўланадиган дам олиш кунлари берилади.

“Мароқанд нефт база” унитар корхонаси зарарли иш жойлари ҳисобланади. Меҳнат қонуниятига асосан бундай жойларда ишловчилар учун устама ҳақ тўланади ёки иш соати қисқартирилади. Иш соатининг қисқартирилиши натижасида ишчи зарарли моддалар бўлган зонада камроқ бўлади ва бу билан у камроқ заҳарланади.

“Мароқанд нефт база” унитар корхонаси заҳарли моддалар ажраладиган жой бўлгани учун ишловчиларга иш кунларида 0.5 литр миқдорида сут ёки шунга яраша бошқа эҳтиёт чора сифатида маҳсулотларни беради.

“Мароқанд нефт база” унитар корхонасида ишловчиларнинг ўртача сони 501 бўлиб, улардан 36 нафари аёллардир.

2010 йил январ ойида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги сабабли ишга келмаган киши -41 кишини ташкил этади. Улардан 3 нафари аёллардир.

“Мароқанд нефт база” унитар корхонасида ёнғинни олдини олиш учун қуйидаги чоралар кўрилган :

1. Ўт ўчириш воситалари (ОП-10, ОП-5, ОУ-5);
2. Кошма;
3. Багри;
4. Ломлар;
5. Челаклар;
6. Белкураклар;
7. Кўпик ҳосил қилувчи суюқликлар ва бошқалар.

Булардан ташқари унитар корхонада ходимлар ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминловчи қуйидаги воситалар мавжуд:

- 1.Махсус кийим;
- 2.Противагаз ПШ-1, ПШ-2;

3. Қўлқоплар;
4. Этиқ.
5. Диэлектрикли гилам;
6. Диэлектрикли қўлқоп;
7. Диэлектрикли оёқ кийими.

“Мароқанд нефт база” унитар корхонасида 2009 йилда меҳнатни муҳофаза қилиш учун 166443756.90 сўм харажат қилинган . Бу маблағлар қуйидагиларга сарфланган.

1. Ишчиларни сут маҳсулотлари билан таъминлаш- 8332.4 л / 10368320;
2. Кўпик ҳосил қилувчи суюқлик олиш ТГМ-50-5652/25898559.40 ;
3. Автоёнилғикашлар учун шиналар олинди- 180дона/68709302;
4. Автоёнилғикашлар учун аккумулятор олинди- 8дона/2120232;
5. Ишчиларга махсус кийим харид қилинди- 710жуфт/35593200;
6. Ўт ўчириш воситалари (ОП-10, ОП-5, ОУ-5) харид қилинди- 200дона/ 8177085;
7. Ўт ўчириш енглари харид қилинди- 55дона/7353558.50;
8. Ишчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш – 172киши/687500;
9. Махсус оёқ кийими харид қилинди - 200жуфт/7440000;
10. Кигиз харид қилинди – 10дона/156000.

“Мароқанд нефт база” унитар корхонасида тез ёнувчи моддаларни сақлаш учун қуйидаги талабларга амал қилиш керак:

- унитар корхона ҳудудида чекиш ва олов ёқиш таъқиқланади;
- ҳар бир цехда ишлайдиган ишчи ходимлар махсус кийим кийиши шарт;
- ҳар бир ёнилғикаш машиналар кигиз билан юриши шарт ;

- ҳаво ҳарорати 36⁰ С дан юқори бўлган пайтда реализация қилиш таъқиқланади, ёмғир ва чақмоқ пайтида ҳам реализация қилинмайди;

-вагонларни тушириш эстекадаларида ва нефт маҳсулотларини ёнилғи ташувчи автотранспортларда ортишга электр чироқлари плафонли бўлиши зарур;

-ҳар бир резервуарларда ва эстекадаларда чақмоқ қайтарувчи мослама бўлиши шарт ва бошқалар.

Булардан ташқари ҳар бир нефтбаза 3 тадан ортиқ очиқ ва ёпиқ ҳовузлар бўлиши шарт ва 50-100 тоннагача махсус кўпик бўлиши шарт . Бундан ташқари “Мароқанд нефт база” унитар корхонасида 4 та ўт ўчириш машинаси мавжуд.

“Мароқанд нефт база” унитар корхонаси бўйича 2011 йил давомида махсус кийим , сут маҳсулотлари , ўт-ўчириш ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш ишчи ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида харид қилинган автошиналар тўғрисидаги маълумотни қуйидаги 13 жадвалдан олишимиз мумкин.

“Мароқанд нефт база” унитар корхонасида 2011 йил давомида ходимларнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича қилинган ҳаракатлар тўғрисида маълумот

13жадвал

№	Операциянинг мазмуни	Миқдор	Сумма
1	Ишчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш	553та ишчи	2054500
2	Ёзги махсус кийимлар	400 дона	20198400
3	Эркаклар курткеси	60 дона	4682760
4	Автошина	68 дона	49548580
5	Резина этик	15 жуфт	279000
6	Хавфсизлик техникаси ва ёнғин хавфи бўйича плакатлар тайёрлаш		174000
7	Сут маҳсулотлари билан таъминлаш	2658 л	2588000
8	Ўт ўчиргичларни қайта тўлдириш	80 дона	2254000
9	Кигиз билан таъминлаш	200 дона	4236000

10	Ёғоч материалларни ёнувчанлигини сусайтирувчи ишқор билан ишлов бериш	1209 м ²	2418000
11	Дори-дармон олиш		800000
	Жами:		90799240

Хулоса ва таклифлар

Нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда товар операцияларининг ҳисоби ва аудитини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш қуйидаги хулоса ва таклифларни беришга имкон яратди.

1. Тадқиқот жараёнида товарлар , товар-моддий захираларнинг юқори салмоғини ташкил этиши ва улар динамикасининг ўзгариш тенденциясига эга эканлиги асосланди.

2. «Мароқанд нефт база» унитар корхонасида товарлар бир неча хусусиятларига кўра таснифланиши аниқланди.

Турган жойига қараб «Мароқанд нефт база» унитар корхонасида товарлар , омбордаги нефт маҳсулотлари, йўлдаги нефт маҳсулотлари, ФЁТШ(Фермерларга ёқилғи тарқатиш шохобчаси) даги нефт маҳсулотларига бўлиниши аниқланди.

Эгалик қилиш ҳуқуқига кўра , корхонага тегишли нефт маҳсулотлари ва филиаллардаги нефт маҳсулотларига бўлиниши аниқланди.

3. Изланишлар натижасида товарларни сотишни асосан икки усули кенг қўлланилиши аниқланди.

1. Улгуржи сотиш

2. Чакана сотиш

4. Барча фаолиятлар сингари аудиторлик фаолияти ҳам самарали бўлиши учун аудиторлик режаси ва дастури тузиш лозимлиги изланишлар натижасида аниқланди.

5. Изланишлар натижасида товар-моддий қийматликларнинг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида моддий жавобгарлик якка ва бригада усулида ташкил қилиниши аниқланди.

6. Тадқиқот ишини ёзиш натижасида , «Мароқанд нефт база» унитар корхонасида моддий жавобгарликнинг бригада усули қўлланилиши ва ушбу бригадада жами 20 нафар ходим ишлаши аниқланди.

7. Изланишлар натижасида «Мароқанд нефт база» унитар корхонасида нефт маҳсулотларини 2 гуруҳга бўлган ҳолда омборда сақланиши аниқланди ва улар қуйидагилар .

1. Рангли нефт маҳсулотлари омбори

2. Қора нефт маҳсулотлари омбори.

Рангли нефт маҳсулотларига Бензин ва Дизел ёқилғилари киради. Ушбу ёқилғилар 1-01 дан 1-16 гача резервуарларда жойлашган.

Қора нефт маҳсулотлари таркибига Маслонинг турлари, Битум, Ферганол , Солидол , Ферсол, Литол ва бошқа ёқилғилар кириши аниқланди.

8. Тадқиқот ишини ёзиш натижасида , 4-сон БХМС га мувофиқ товарларни ҳисобга олишнинг иккита тизими мавжудлиги аниқланди ва улар қуйидагилар:

1. Даврий тизим

2. Узлуксиз тизим.

9. Нефт маҳсулотларининг инвентаризацияси УзР 19-сон БХМС "Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш" стандарти билан бир қаторда ОАО «O'ZLITINEFTGAZ» томонидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлигининг 2005 йил 21 июлдаги 4/6-сонли қарори билан тасдиқланган «Нефт, газконденсат ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, ташиш, сақлаш ва жўнатишда табиий йўқолишнинг вақтинчалик меъёрлари» (Тошкент, 2005 йил), ОАО «O'ZLITINEFTGAZ», «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси ва «Ўздавнефтвазинспекция»си томонидан ишлаб чиқилган «Инструкция по приему , хранению, отпуску и учёту нефти, газого конденсата и нефтепродуктов» (Тошкент, 2007) га асосан ўтказилиши изланишлар натижасида аниқланди.

10. Инвентаризация натижасида камомад ёки ортиқча аниқланиши мумкинлиги ва инвентаризация натижасида камомад аниқланганда аудитор товарларнинг табиий камайишини ҳам эътиборга олиши кераклиги аниқланди.

11. Нефт маҳсулотларининг табиий камайиши бир қанча омилларга боғлиқлиги изланишлар натижасида аниқланди ва бу омилларга қуйидагилар киради:

-йил фасллари;

-сақлаш муддати;

-сақлаш шароити;

-нефт маҳсулотлари гуруҳи.

12. Аудиторлик таваккалчилиги тушунчаси 9-сон АФМС да ифодаланганлиги , унга кўра, «Аудиторлик таваккалчилиги - аудитор томонидан субъектив равишда белгиланадиган, аудиторлик текшируви якунлари бўйича молиявий ҳисобот унинг ишончилиги тасдиқланганидан кейин аниқланмаган жиддий бузилишларни ўз ичига олиши мумкинлигини эътироф этиш ёки аслида бундай бузилишлар молиявий ҳисоботда бўлмасада, унда жиддий бузилишлар мавжудлигини эътироф этиш эҳтимоли» эканлиги аниқланди.

13. Хулоса қилиб айтганда, жиддийлик ва таваккалчилик даражасини баҳолаш аудиторлик текширувини муҳим босқичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг малакали амалга оширилиши нафақат сифатли аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси тузиш, балки аудиторлик ташкилоти каби, миждоз-ташкилотнинг ҳам барқарор ривожланишига замин яратади.

14. Изланишлар натижасида товар операцияларини аудиторлик текширувидан ўтказиш бухгалтерия ҳисоботида катта хатоликларга йўл қўйиш хавфини камайтириши аниқланди. Шунинг учун товар операцияларини текширишни бошлашдан олдин , аудитор энг кўп учрайдиган қоидабузарликларни аниқлаши ва шуни ҳисобга олган ҳолда зарур текширув амалларини танлаши керак деб ўйлаймиз.

Тадқиқот ишини ёзиш натижасида “Мароқанд нефт база” унитар корхонаси , унинг филиаллари ва Республикамиздаги бошқа нефт базаларга қуйидаги таклифлар қилинди:

1. «Мароқанд нефт база» унитар корхонаси Самарқанд вилояти бўйича ягона нефт маҳсулотлари билан савдо қилувчи савдо корхонаси бўлганлиги сабабли , унинг асосий ҳисоб ва аудит объекти ҳам товарлар бўлганлиги сабабли аудит ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари аудитнинг режаси ва дастурида товар операцияларининг аудитига асосий эътиборни қаратишларини тавсия қиламиз .

Аммо олиб борилган тадқиқот шундан далолат берадики, аудиторлик текширувларида материаллари таркибида бу соҳага умуман кам эътибор берилган. Аудиторлар бу соҳани текширганда, танлаб эмас ёппасига текширув усулидан фойдаланиб текширишларини таклиф қиламиз.

2. «Мароқанд нефт база» унитар корхонасида бухгалтерия ҳисобини амалда булган қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан фаолият юритади. Лекин корхона ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишини тавсия қиламиз . Бу ўз навбатида ҳисоб юритишни такомиллаштиришга хизмат килади.

3. Биз барча аудиторлик ташкилотларига аудит текширувини бошлашдан олдин 3-сон АФМС талабларига мувофиқ, аудитнинг самарали ўтказилиши учун унинг режаси ва дастурини албатта тузишни тавсия қиламиз.

Аудит текшируви ўтказишнинг режаси ва дастурини намунаси 1 боб 3-параграфда келтирилган.

4. «Мароқанд нефт база» унитар корхонасига келажакда моддий жавобгар шахсларни қабул қилаётганида уларнинг маълумоти , иш стажи, судланмаганлиги . ёши , билим даражасига эътибор беришларини тавсия қиламиз.

5.Биз «Мароқанд нефт база» унитар корхонасига келажакдаги фаолиятининг самарали бўлиши, суистеъмолликларни олдини олиши ва корхона харажатларини камайтириши учун нефт маҳсулотларининг табиий камайишига эътибор беришларини тавсия қиламиз.

6. Аудиторлар корхона фаолиятининг ҳажми, уларни амалдаги қонун-қоидаларга нечоғлик мос келиш-келмаслигига қараб ва корхона фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўзлари аудиторлик рискини аниқлашларини тавсия қиламиз .

7. «Мароқанд нефт база» унитар корхонасида товар операциялари билан боғлиқ харажатлар , яъни сотиш харажатлари харажатларнинг асосий қисмини ташкил этиши асосланди ва улар ҳисоби ва аудитининг миллий ва халқаро жиҳатларини такомиллаштириш учун амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

8. Ҳар қандай фаолият сингари товар операциялари ҳам маълум миқдордаги сарф- харажатларни талаб қилади . Чунончи товарни юклаш , ташиш, тушириш ва бошқа турдаги харажатлар қилинади . Ушбу сарфланган харажатлар давр харажатларининг сотиш харажатлари таркибий қисмига киритилади . Ушбу харажатлар аудит текширувининг муҳим о

бъекти ҳисобланади. Изланишлар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда аудиторлар ушбу харажат моддаларга кўп эътибор қаратмаяпти, бу эса аудиторлик хатарининг ошиб кетишига сабаб булаяпти. Биз келгусида аудиторларга ушбу харажат моддларига эътибор беришларини тавсия қиламиз.